

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
УМУМИЙ ТАРИХ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Қодиров Расулжон Анваржон ўғли
Нақшбандия тариқатининг Марказий Осиё
халқлари ҳаётида тутган ўрни
(XIV-XV асрларда)

5220200 – “Тарих” (минтақалар ва мамлакатлар бўйича) таълим
йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

иш раҳбари: катта ўқитувчи М. Ботиров.

Андижон – 2013 йил

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1. Нақшбандия тариқатининг вужудга келиши.....	8
2. Нақшбандия тариқатининг Марказий Осиё ва бошқа ҳудудларда кенг ёйилиши.....	20
3. Нақшбандия тариқатининг бошқа халқлар томонидан ўрганилиши.....	36
Хулоса.....	54
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	60
Иловалар.....	62

Кириш

Бухорони Бухорои шариф даражасига кўтарган аجدодларимиз орасида ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак сиймоси алоҳида нуфуз ва мавқега эга. Бу улуғ шахс тимсолида инсон руҳиятининг нақадар теранлиги, бу дунёда ўз иродасини тарбиялаб, қалбини поклаб, нафс балосини енгиб яшайдиган одам қандай маънавий юксакликка кўтарила олиши яққол намоён бўлади¹.

Машхур авлиё, нақшбандия тариқатининг асосчиси Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувон (кейинчалик унинг шарафига Қасри Орифон деб аталган) қишлоғида 1318 йилда туғилган. У увайсий бўлиб, Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳидан тарбия топган. Унга қабул назари Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийдан етган, тариқат одоби таълимини Амир Саййид Кулолдан ўрганган. Яна Мавлоно Ориф, Халил ота, Қусам шайх каби тариқат устозларидан сабоқ олган. Дехқончилик ва кимхобга нақш (гул) солиш билан фақирона кун кечирган. Шундан нақшбанд номини олиб, Ҳазрат Баҳоуддин, Хожаги Бузруг (Буюк Хожа), шоҳи Нақшбанд, Баҳоуддин балогардон номлари билан машхур бўлган. Ўз таълимотини яратишда Юсуф Ҳамадоний ва Абдулхолиқ Ғиждувоний ғояларига асосланган. Маълумки, Абдулхолиқ Ғиждувоний устози Юсуф Ҳамадоний таълимотини ҳар томонлама кенгайтириб ва чуқурлаштириб, хожагон тариқатининг саккиз рашҳа —қоидасини ишлаб чиққан эди (Кейинги тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, бу рашҳаларнинг дастлабки тўртгаси Юсуф Ҳамадонийга тегишли). Бу саккиз рашҳага Баҳоуддин Нақшбанд яна уч рашҳа қўшиб, уларнинг ададини ўнбиттага етказди. Бу ўн бир рашҳа хожагон-нақшбандия тариқатининг тамали бўлиб хизмат қилган.

Хожа Убайдуллоҳ Ахрор Валий, Абдурахмон Жомий, Хусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий, Фаҳриддин Али Сафий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Маҳдуми Аъзам, Убайдуллоҳон, Маҳтумқули каби кўплаб улуғ зотлар нақшбандийликни қабул қилибгина қолмай, уни ривожлантирганлар ва тарғиб қилганлар.

Манбаларда «Далойил ул-ошиқин» («Ошиқлик далили»), «Ҳаёт-нома» каби тасаввуфга оид рисоалари бўлганлиги ҳақида маълумот берилади.

Тасаввуфнинг машхур билимдони, атоқли шарқшунос Е.Э.Бертельснинг ёзишича, Нақшбанд таълимотининг асосида ихтиёрий равишдаги фақирлик ётади... Шунга биноан, Баҳоуддин Нақшбанд умри бўйи дехқончилик билан кун кечирган, ўз қишлоғида унчалик катта бўлмаган ерига бугдой ва мош экар экан. У уйида ҳеч қандай мол-дунё ва бойлик сақламаган. Қишда қамишлар устида, ёзда эса бўйра устида ётиб кун кечирган. Унинг уйида ҳеч қачон хизматкор ҳам бўлмаган. Ҳазрати Нақшбанд бутун умрини ўз хоҳиши

1. Каримов. И. А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т. «Маънавият» 2008.

билан фақирлик ва йўқсилликда ўтказган. Зеро, бу тариқатнинг асл ақидаси — «Дил ба ёр-у даст-ба кор» — яъни «доимо кўнглинг Аллоҳда бўлсин, қўлинг эса ишда», деган ғояни илгари суради. У ўз қўл кучи билан кун кўришни ёқтирган, топган-тутганларини — етим-есирларга, бева-бечораларга инъом этган, ҳукмдорлардан доимо ўзини йироқ тутган, улар олдида ҳеч қачон таъмагирлик қилиб яшамаган¹.

XIV асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган «Нақшбандия» таълимоти Афғонистон орқали Ҳиндистонга ва бошқа ислом юртларига шиддат билан тарқала бошлайди. Нақшбандия таълимоти Темурнинг мўғуллар истеълосига қарши кураш, мустақил давлат барпо этиб, унда маданий-маънавий ривожланишни таъминлашга интилишида, темурий даври маданий юксалишида катта ижобий аҳамият касб этади.

XV асрнинг кўп олим-фозиллари, давлат арбоблари, санъаткорлари Нақшбандия таълимотидан кенг фойдаландилар, унга ўта ижобий муносабатда бўлдилар. Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) даврида, ундан кейинги XVI—XVII асрларда бу жараён анча тезлашади. Нақшбандия тариқати XVI асрда Хожа Муҳаммад ал-Боқий Қобулий (вафоти 1605) Ҳиндистонга боргандан сўнг Ҳинд тупроғида ҳам авж олади. Бу машҳур мутасаввуф олим Афғон ва Ҳинд юртларида Хожа Боқибилло номи билан машҳурдир. Унинг шогарди Хожа Аҳмад Форук Сирҳиндий (1563-1624) эса Нақшбандия таълимотининг XVII асрда Ҳиндистонда ёйилишида катта роль ўйнаган².

Шундай қилиб, бизнинг табаррук юртдошимиз Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд томонидан асосланган Нақшбандия таълимоти Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида жуда катта ўрин эгаллади. Бу таълимот бошқалар меҳнати билан кун кечиришни, текинхўрликни, ижтимоий зулм-истибдодни қатъиян қоралайди. Бу таълимот тарафдорлари аскетизмга (таркидунёчиликка) қарши, бой-зодагонларнинг зулм ва истибдодига қарши бўлганлар, фақат ўз қўл кучи, пешона тери билан ҳалол меҳнат қилиб кун кечиришга чақирганлар. Нақшбандийлар савдо-сотик, деҳқончилик, хунарамандчилик, бадий адабиёт, мусика, илм-маърифат, хаттотлик, наққошлик, миниатюрасозлик, курувчилик каби барча фойдали ва хайрли юмушлар билан шуғулланишга даъват этганлар. Шунинг учун ҳам ўз давридаги илм-маърифатнинг, адабиётнинг йирик намояндалари бўлмиш Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хушҳолхон Хатак, Аҳмад Шох Дурроний, Махдумкули Фироғий сингари юзлаб улкан тараққийпарвар, инсонпарвар шоирлар ва мутафаккирлар

1. Бертельс Е. Э. Навои и Джами. Избранные труды. – Т. 4. – Москва: Наука, 1965. – 498 с.

1. Насафий. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. – Т., 1993.

Нақшбандия йўлини танлаганлар, ҳаётни ва инсонни авжи баланд пардаларда куйлаб, тинмай баракали ижод қилганлар.

Хожа Баҳоуддин Нақшбандни Марказий Осиё халқлари жуда юксак кадрлайдилар. Халқимиз ул Ҳазратга баланд эътиқод қўйиб, «Ба-ҳоуддин — балоғардон!» дея беҳад эъзозлайди. Ҳозирги мустақиллик замонида «Яссавия», «Кубравия», «Нақшбандия» каби ўлкамизда (Туркистонда) вужудга келган тариқатлар энди бизда ҳам ҳар томонлама чуқур ўрганила бошланди. Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сингари мутасаввуф донишмандларнинг поклик, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, адлу инсоф, имондорлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби илғор умумбашарий фикрлари давримизга ҳамоҳанг бўлиб, келажак учун хизмат қилади. 1993 йилда Ўзбекистонда Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги зўр тантаналар билан ўтказилди, унга бағишлаб қатор асарлар нашр этилди, Халқаро илмий конференциялар бўлиб ўтди. Бухородаги Нақшбанд номи билан боғлиқ бўлган ёдгорликлар қайтадан тикланди¹.

Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд 71 ёшида 1389 йили ўз муборак маскани Қасри Ҳиндувон (кейинчалик бу ер Қасри Орифон деб аталган)да оламдан ўтганлар. Қабри шу ерда. Ул зот тарбиясида бемисл хизматлари сингган оналарининг қабри ҳам шу ерда. Шўролар замонида ул зотнинг мақбараси, Қасри Орифон мажмуи қаровсиз ҳолда қолди. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб, Юртбошимиз ташаббуси билан бу мажмуа таъмирлаб, обод қилинди. 1993 йилда Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллиги жаҳон миқёсида нишонланди. Президентимиз шахсан ўзлари Нақшбанд қадамжоларини обод қилиш ишларини кўздан кечириш учун Бухорога бир неча марта ташриф буюрди. Бу жой ҳозир Куббат ул-ислом номи билан машҳур бўлган. Бухорои шарифнинг энг кўркем жойларидан бирига айланди.

Шу йўналишдаги хайрли ишларни давом эттириш, ислом оламининг беназир намояндаси Баҳоуддин Нақшбанднинг жаҳон тафаккур хазинасига ва муқаддас динимиз ривожига қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб, унинг меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, эзгулик, маънавий комилликка чорловчи ғояларини ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш зарур². Ҳамда буюк алломалар ёдгорлик мажмуаларини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарорига мувофиқ зиёратгоҳ негизида Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази ташкил этилди. Бугунги кунда Марказ

1. Султон И. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. – Тошкент: Фан, 1994. –87 б.

2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998.

томонидан қатор маънавий-маърифий тадбирлар, хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

1. Нақшбандия тариқатининг вужудга келиши.

Маълумки буюк кишилар ҳақида ўрта асрларда ёзилган асарларда ҳақиқат билан афсона бир-бирига аралашиб кетади. Ҳатто кўпинча афсона устунлик қилади. Баҳовуддин Нақшбанд ҳам бу қоидадан ташқари эмас, албатта.

Бухоро атрофида, «Қасри ҳиндивон» деб аталмиш қишлоқда 818 (1318) йилда дин

арбоби Жалолиддин оиласида туғилиши аввалдан авлиёлар томонидан каромат этилган бола дунёга келади (Бу қишлоқ кейинроқ, ундан кўп машҳур шайхлар чиққани шарафига «Қасри орифон», яъни Аллоҳни яхши билувчилар, донолар қишлоғи деб ном олади). Болага Муҳаммад номини берадилар. Муҳаммад чуқур диний руҳда тарбияланади. Балоғатга етгач, у деҳдончилик билан машғул бўлади: «Мақомот» муаллифи уни мош ва жўҳори экиш билан тирикчилик қилганини гапирди. «Рашаҳот»да яна Муҳаммаднинг матога нақш (суврат) солиш касбини ҳам эгаллагани қайд этилади («Нақшбанд» лақаби шу касби туфайли унга берилган).

Нақшбанд фақат ёшлигидагина эмас, балки бутун умрида ҳалол меҳнат билан яшашга алоҳида аҳамият беради. Нақшбанднинг талабича, мусулмонликда имондан сўнг ҳалоллик биринчи ўринда туради. Ҳалоллик фақат меҳнат орқалигина амалга оширилиши мумкин. «Рашаҳот»нинг муаллифи нақшбандиянинг бу талабини Баҳовуддиннинг буюк шогирди Шайх Муҳаммад Порсо сўзлари билан ифода этади: «Бузургвордин нақл этар эрдиларким, ибодат ўн жузъи турур, тўққизи ондин талаби ҳалол этмак турур ва айтур эрдиларким, ибодат ун жузъий турур, тўққизи ондин талаби ҳалол этмак турур ва айтур эрдиларким, вужуди макосибдин деҳқончилик ва боғбонлик ҳалолга яқинроқ турур»¹.

Навоий Нақшбанднинг тариқат соҳасидаги илк устоди машҳур турк шайхи Халил ота эканини ёзади. Муҳаммад кичиклигида тушида бир дарвишни кўради. Дарвиш унга меҳрибонлик қилади. Муҳаммад бувисига тушини айтади. Бувиси «сенга турк машойихидин насибе бўлғусидур, деб унинг тақдирида буюк турк шайхлари мададкор бўлишини айтади. Муҳаммад тушида кўрган ўша дарвиш (Халил ота) билан учрашувни орзу қилиб юради. Бир куни улар бозорда учрашадилар ва дўст бўлиб қолишади. Кейинроқ Халил ота Мовароуннаҳрда подшоҳлик қилганида Нақшбанд олти йил унинг хизматида бўлади. Халил ҳалокатидан сўнг, чуқур рухий изтироб чеккан Нақшбанд тариқат йўлига ўзини бағишлашга қарор бериб, Бухоро атрофидаги Даюртун деган қишлоқда истиқомат қила бошлайди.

Биз афсоналарни эътиборсиз қолдиришга қасд этган бўлсак ҳам, шу ерда, ёш Муҳаммаднинг нималар билан машғул бўлганини аниқлаганимизда бир афсонани тилга олмасдан иложимиз йўқ. Шуниси ҳам борки, бу афсона Муҳаммаднинг қандай қилиб иккинчи раҳнамони топганини ҳам ўзича талқин этади. Муҳаммад ибн Жалолиддин Султон Халил жаллоди вазифасида ишлаган экан. Бир куни ўлимга ҳукм қилинган кишини жазолаш чоғида у бир мўъжизанинг шоҳиди бўлади: унинг жазоланувчи бўйнига урган қиличи жазоланувчига ҳеч қандай таъсир кўрсат олмабди.

1. Насафий. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. – Т., 1993.

Муҳаммад бу ҳодисанинг сабабини суриштирганида, гуноҳкор «Сен менинг бўйнимга қилич урган чоғингда мен пирим Амир Кулолни эсладим ва ундан мадад тиладим» дебди. Амир Кулол даврнинг машҳур шайҳи Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийнинг халифаси (ўринбосари) эди. Муҳаммад гуноҳкордан ўзини дарров Амир Кулол олдиға олиб боришни талаб этади Янги устод билан келажак шогирд орасидаги илк мулоқот шундан бошлана-ди. Муҳаммад жаллодликни ташлаб, Амир Кулолга «қўл беради», яъни унинг муриди бўлиб қолади. Амир Кулол тез муддатда Муҳаммаднинг зўр қобилият ва мумтоз тақдир эғаси эканини тушунади, уни ўзининг ўғли деб эълон этади. Мустақил шайхлик қилиш ҳуқуқини ҳам Нақшбанд кейинроқ Амир Кулолдан олади, узок муддат унинг халифаси ўринбосари бўлиб қолади.

Шундай қилиб, Муҳаммад ибн Жалолиддин ўз онгли ҳаётини, диний билимларини эгаллашдан ташқари, тариқат аҳлининг асосий қондаси — ҳалол меҳнат билан тирикчилик қилиш қондасига қаттиқ риоя этган ҳолда яшаган ва ўсган.

Айниқса, Амир Кулол билан учрашгандан бошлаб тариқат аҳлининг яна икки қондаси Муҳаммад ибн Жалолиддин учун асосий ҳаётий қоида бўлиб қолади. Буларнинг бири — «хилват дар анжуман» ва иккинчиси — сафар дар ватан». «Хилват дар анжуман» («йиғилишда хилват») узлатни, хилватни рад этар, Яссавий тариқатига хос таркидунёчиликдан кечар, анжуманда ҳам (яъни жамият ичида турганда, унинг ҳаётига фаол иштирок этиб туриб ҳам) «Аллоҳ билан якка-якка қолиш» мумкин эканлигини тасдиқ этар эди. «Сафар дар ватан» («Ватанда сафар») эса оламни ва ватанни яхши билишни талаб этар эди. «Рашаҳот»нинг муаллифи бу тушунчани соф ахлоқий нуқтаи назардан таърифлайди. Унинг фикрича, «сафар дар ватан ул турурким, солиқ табиати башарийда сафар қилур, яъни сифоти башардин сифоти мала-кига ва сифоти замимадин сифоти ҳамидага интиқол этар» («сафар дар ватан шундан иборатки, тариқат йўлига кирган одам инсон табиатида сафар қилади, яъни инсон сифатларидан фаришталарга хос сифатлар ва тубан сифатлардан гўзал сифатлар даражасига кўтарилади»)¹.

Шуни айтиш керакки, ҳар икки талқинда ҳам сўз инсоннинг мукамалликка интилиши устида бораётир. Оламни билиш, одамни билиш ва ахлоқий мукамалликка, дунё гуноҳларидан ҳололликка интилиш ёш Муҳаммаднинг ҳам олий мақсади бўлиб қолади.

Муҳаммад сафарни яхши кўради, аммо ўзига маъқул тушган муршид раҳнамони топганда, унинг қошида узок муддат қолиб кетади, у билан мулоқотда ўз дунёқарашини

1. Бобохонов Ш., Мансуров А. Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1993. – 128 б.

кенгайтиради, ўз билимларини чуқурлашти-ради. Муҳаммад буюк кишиларнинг мазорларини катта азиятлар тортиб, бориб кўради, зиёрат қилади, аммо ҳаёт авлиёларни алоҳида қадрлайди. «Рашаҳот» муаллифининг таърифича у «тирик пишак (мушук) ўлик шер- дан яхши» деган доно мақолга амал қилади.

Тариқат аҳли замонанинг буюк кишилари билан учрашувга жуда катта аҳамият беради. Шундан гувоҳлик берадиган бир лавҳа Навоий «Насойим»да Баҳовуддин Нақшбанднинг шогирди Муҳаммад Порсо тилидан ҳикоя қилади: Хожа Баҳовуддин иккинчи маротаба Маккага борганида, Марвга етганда карвон иккига бўлиниб, бир қисми Машҳадга томон, иккинчи қисми Ҳиротга томон жўнайди ва Нишопурда учрашувга ваъда қилишадилар. Нақшбанд Ҳирот йўлини танлайди, мақсади— Ҳиротда машҳур шайх «Мавлоно Зайниддин Абу Бакр Таёбодий суҳбатига етмак» эя. Улуғ шайх бу учрашувдан жуда мамнун бўлади, Нақшбандни бир неча кун уйида сақ-лайди, сўнгра Нишопургача кузатиб бориб, яна уни карвонга кўшади. Шу учрашув чоғида ўтган бир гап ҳам мароқлидир: «Мавлоно дебдурки, бизнинг учун бир нақш боғланг. Алар дебдурларки, келибизки, нақш элтгаймиз»¹.

Бундай учрашувлар баъзан узоқ муддатли мактабга айланиб кетар эди. Юқорида, Яссавий ва Абдулхолиқ Гиждивонийнинг маънавий меросларининг бир-бирларига чатишиб кетганини гапирганимизда, биз турк ва тожик халқлари вакиллари тариқатларнинг шаклланишида баб-баробар иштирок этганини, уларнинг бир-бирларидан дарс олганларини қайд этиб ўтган эдик. Энди худди шу масалага доир бир воқеани тилга олиш айтиш муддао бўлса керак: «Рашаҳот» муаллифининг гувоҳлик беришича, Баҳовуддин Нақшбанд ўз устоди Амир Кулолдан мустақил иш тутишга рухсат олган маҳалида, Амир Кулол унга айтибдики, турк ва тожикдан чиққан машойихларнинг қайси бири ҳақида унга хабар етса. Баҳовуддин ўша машойихнинг хизматига етиши ва ундан астойдил таълим олиши керак («Хазрат Хожа Баҳовуддин... Амир Кулолдан ижозат топиб эрдиларким, ҳар жойда турк ва тожикдин мақомингизга бўйи етишса, талаб қилинг ва талабгорликда ҳимматингиз мавжубига тақсир еткизманг»). Шу васиятга мувофиқ, Хожа Баҳовуддин шайх Мавлоно Орифдан дарак топиб, унинг ҳузурига борган ва унинг хизматида етти йил юрган. Натижада Мавлоно Орифга ҳурмати шунчалик баланд бўлганки, у ариқ бўйида Мавлондан баландда туриб таҳорат олмас, улар билан ҳамроҳ бўлиб сафарга чиққанларида эса «аларнинг қадами устига қадам босмас эдилар»².

Бу учрашувларда Нақшбанднинг одоби, ҳаракати ва машойихга (уларнинг турк

1. Бўриев О. Нақшбандия тариқати тарихига оид янги манба // Шарқшунослик, 1997. – №8. – Б. 18-27.

1. Исоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Т., 2007.

ёки тожик бўлишидан қатъий назар) ихлоси қанақа бўлганини яна Алишер Навоийнинг бир ҳикоясидан билиб олишимиз мумкин. Амир Кулолнинг васиятларига содиқ қолган Нақшбанд Бухорода Яссавий хонадонига мансуб (яъни турк) Шайх Қусам хизматига боради. Шайх қовун еб ўтирган экан. Нақшбанд шайх ташлаган пўчокни ея берибди. Шу пайтда хизматчи кириб, уч туя ва тўрт от ғойиб бўлганини айтибди. Қусам Шайх бунда Нақшбандни айблаб, хизматчиларга уни маҳкам ушлашни буюрибди (Бу — Нақшбанднинг каромат кўрсатишга қодир эканига ишора эди). Нақшбанд Шайх Қусамнинг зийраклигига қойил қолиб_дебди: «турк машойихининг шинохти бўлмаса, алар тариқидин мутанаффир ва навмид бўлур эдим» («Турк шайхларининг фаҳми, донолиги бўлмаса, мен улар тариқатидан юз ўгирган ва ундан ҳеч нарса умид этмаган бўлур эдим»). Шу кеча Қусамнинг донолиги ва Нақшбанднинг кароматга қодирлиги исбот бўлади: йўқолган ҳайвонлар ўзлари қайтиб келадилар... Нақшбанд Қусам хизматида уч ой қолиб кетади. Ахийри, Қусам унга кетишга рухсат берар экан, дейди: «Тўққиз ўғлим бор, сен барчасидин улуғроқ ва муқад-дамроқсан... Бу навъ талабгорлик, ихлосмандликни сендин кўрибмен, толибларнинг ҳеч қайсида кўрмайман». Навоий бу ҳикояни яқунлаб ёзади: «Андин сўнгра ҳар қачон Шайх Нақшбанд Бухорога келур эрди, Хожага мулозамат қилур эрди...»¹

Нақшбанднинг кунлари ва йиллари ана шундай ўтар эди...

Нақшбанд иккинчи мартаба ҳаж қилган-дан кейин, йўлда Марвда тўхтаб, истиқомат этишга қарор беради ва унда бир неча йил тургандан кейин Бухорога қайтади, Амир Кулол эса унга ўзининг ўринбосарлигини васият этади.

Нақшбанд то умрининг охиригача Бухорода қолади ва 791 (1389) йилда вафот этиб, Бухорода дафн этилади.

Нақшбанддан жуда кўп шогирдлар қолади. Улардан иккитасини — Хожа Алоуддин Аттор ва Хожа Муҳаммад Порсони — Сафий ва Навоий Нақшбанднинг билвосита ва бевосита устодлари — Хожа Муҳаммад Бобойи Симосий, Амир Кулол ва Ҳалил оталар билан бир қаторда тавсиф этади...

Нақшбанд оқ от миниб юрар экан. Бунинг сабабини суриштирганларида у «атрофимдаги жонли ва жонсиз нарсаларнинг Аллоҳ шаънига айтаётган мадҳиясининг садосини («тажаллиёт сури наҳфини») от устида яхшироқ эшитаман» деган маънода жавоб берар экан.

Инсон ва табиатнинг Аллоҳга шукронасининг садосини эшитиш қобилияти

2. Идрис Шох. Нақшбандий тариқати / Ўзбек тилига Ваҳоб Рўзиматов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1993. – 62 б.

Нақшбанднинг абадиятини таъмин этди, деб айтиш мумкин. Чунки Баҳовуддин Нақшбанд ўз вафотидан сўнг шуҳрати ва башарият ҳаётидаги мавқеи тўхтовсиз орта борган нодир зотлардан биридир.

Баҳовуддин Нақшбанд ўн бешинчи асрда Мовароуннаҳрда ва бутун мусулмон оламида тариқатнинг энг машҳур намояндаларидан бири бўлиб қолади.

Нақшбандия тариқати аслида бир неча авлод машойихининг ва биринчи навбатда Юсуф Ҳамадоний, Яссавий, Абдулҳолиқ Ғиждивоний ва Баҳовуддин Нақшбанднинг тўхтовсиз ривожлана борган дунёқарашини ўзи-да инъикос эттиради. Айтиш мумкинки, ўн бешинчи асрда, Навоий замонида, яъни Нақшбанднинг вафотидан бир асрча вақт ўтгандан сўнг, шогирд Нақшбанднинг шуҳрати, табиий равишда, устодлар шуҳратидан ортиб кетган ва (тарихда бундай воқеалар учраб туради) устодларнинг хизмати ҳам истисноддори шогирдга нисбатан берилиб, унинг хизматлари ва шуҳрати соясида қолган. Нима учун бундай бўлганини энди тўла равишда тасаввур этиш қийин, аммо Навоийнинг бир гувоҳлиги бу саволга бир даража жавоб беради. Алишер Навоийнинг фикрича, сўнгги асрларда ўтган шайхлар орасида энг буюғи ва энг муқаддаси — Баҳовуддин Нақшбанддир; тариқат машойихидан ҳеч бири ўзининг Аллоҳга яқинлиги аломатлари («валоят зуҳури») жихатидан Нақшбандга тенг эмас эди («Осори валоят зуҳурики, ҳазрати Хожада тенгри таоло иноятидин воқеъ бўлубтур, тариқат машойи-ҳиға мутааххирлардин ҳеч кимга бўлмайду»).. .

«Насойим»да мавжуд бу жуда юқори баҳонинг ҳаққонийлиги ва самимийлиги шунинг билан ҳам тасдиқ бўладики, «Ҳамса»да (унга кирган «Ҳайратул-аброр» достонида), Навоий Нақшбандга махсус боб бағишлайди. Жаҳон адабиётининг дурдоналаридан бирини безовчи бу боб «Хожа Баҳовуддин мадҳидаким...»деб бошланади. Унинг матнини бу ерда ҳозирги замон ўзбек тилига кўчириб; тўла келтириш зарур, чунки Алишер Навоий асарларининг оммавий нашрларига бу нодир ҳужжат шу вақтгача (маълум сабабларга биноан) киритилмаган:

«Хожа Баҳовуддин,— унинг сирри муқаддас бўлсин, — мадҳидаким, яратувчи наққош (Худо) рўзғор саҳифасида унинг нақшдош вужудини ҳикмат қалами билан исломий қилиб лойиҳалаштирди ва тўғри ясалган сураги билан кофирлар кўнглидаги варақлардан хитойи ва фарангий нақшлар ювилиб кетти ва шарафлар бўлгур Хожа Убайдуллоҳга муҳтожлик арзимиз бўлсунким, у киши (ҳозир) ул ҳазрат (Хожа Баҳовуддин)нинг мутлақ ўринбосари, ҳатто ҳақиқий халифадир.

Баҳоуддин Нақшбанд тарихи билан боғлиқ республикамизда ҳар хил савиядаги рисола ва мақолалар юзага келди. Натижада нақшбандия сулукининг моҳияти ва тарихи билан бевосита алоқадор бир қатор муаммолар кўзга яққол ташлана

бошлади. Биз ана шундай муаммолардан иккитасини ниҳоятда жиддий деб ҳисоблаб, имкон даражасида ўз муносабатимизни билдирамиз. Ана шундай долзарб муаммолардан бири бу нақшбандия сулукининг генезиси масаласидир. Бу мавзу ўз —ўзидан бу тариқатнинг бошқа тасаввуфий сулуклар, хусусан, яссавия билан муносабати масаласига бориб тақалади. Ҳамма гап шундаки, баъзи мақолаларда нақшбандия яссавиядан келиб чиққан сулук деб талқин қилинади: «Маълумки, Мовароуннаҳрда XII асрдан сўнг «Яссавия» тариқатидан икки йирик тариқат пайдо бўлди. 1. Нақшбандийлик. 2. Бектошия» «Яссавия» тариқатидан келиб чиққан «нақшбандия» тариқатининг XV асрдаги йирик шайхи, машхур мутафаккир ва мутасаввиф шоир Абдурахмон Жомий...» «Хуросон ва Мовароуннаҳр, қолаверса бутун мусулмон оламида кенг тарқалган «яссавия» ва «нақшбандия» тариқатининг келиб чиқиш илдизи аслан бирдир, бу пурқувват томир буюк мутасаввиф донишманд хожа Юсуф Ҳамадонийга бориб тақалади» Аммо, бектошчиликнинг Мовароуннаҳрга дахлдор эмаслигини қайд этмоқ лозим. Сўнгра тарихий асосга эга бўлмаган бундай хулоса ҳар икки (яссавия ва нақшбандия) тариқат тарихи ва моҳияти асл манбалар ва илмий мантиқ асосида теран тадбиқ этилмай, проф. Фуод Кўпрулузоданинг 1918 — йилда баён қилган фикрларини такрорлашдан иборат эканлигини таъкидлаш зарур, Лекин Кўпрулузода ўзининг ҳозир ҳам илмий қимматини сақлаб келаётган «Турк адабиётида илк мутасаввуфлар» номли машхур асарида нақшбандия билан яссавия ўртасидаги ўхшаш жиҳатлар, Баҳоуддин Нақшбанднинг турк машойихлари билан алоқаси борасида сўзлаб, шундай хулоса қилади: «Ҳақиқат ҳолда Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг маънавий тарбияти Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийдандир. Бу эътибор ила уни Хожагон силсиласидан иддио этмак ҳечда янглиш саналмайди. Бунинг устига нақшбандийлик бир жиҳатдан Қусам шайх ва Халил ота воситасида яссавийликдан мутаассир бўлгани каби, бошқа тарафдан ҳам Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг Аҳмад Яссавийдан сўнгра Юсуф Ҳамадоний халифаси бўлгани эътибори билан ҳам —табиий ўлароқ —бир кўп жиҳатдан яссавийликка мушобаҳат кўринади»¹.

Кўриниб турибдики, гап иккала тариқатнинг ягона илдизга эга эканлиги эмас, балки уларнинг муштарак жиҳатлари ҳақида бормоқда. Хўш, ана шу мушобаҳат (ўхшашлик) нимадан иборат? Албатта, мусулмон оламига мансуб тасаввуфнинг икки сулуки ўртасида фалсафий, ахлоқий жиҳатлар муштарак бўлиши табиий. Аҳмад Яссавий ўз ҳикматлари «кони ҳадис», «маънои Қуръон» эканлигини қайта —қайта таъкидласа, Нақшбанддан «Сизнинг тариқатингизни қандай топиш мумкин?»—деб сўраганларида

1. Исломиёв Ҳ. Ипор ҳид ила туғилган ориф (Хожа Баҳоуддин Нақшбанд). – Тошкент:1995.

«Шариатни маҳкам тутиш ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларига тўлиқ амал қилиш билан»,—деб жавоб қилганлар. Қолаверса, ҳар иккала зикр (алония ва хуфия) ҳам Қуръони карим оятлари ва ҳадисларга асосланган.

Модомики, ҳар икки тариқатнинг ғоявий асоси Қуръони карим ва ҳадислардан иборат экан, уларда қаноат, сабр, шукр, ризо, ҳаё, сидқ, адолат, нафсга қарши жиҳод сингари бир қатор масалаларнинг мавжуд бўлиши табиийдир. Қаноат, нафсга қарши кураш деярли барча тариқатлар ҳамда ижтимоий ҳаракатлар (маломатия, футувват)да асосий талаб сифатида қўйилган. Бу талаб ҳам Қуръони Карим оятлари ҳамда «қаноат тугамас хазинадур», «Қаноатли киши азиз, тамаъгар хору залил» деган ҳадислар заминида юзага келган. Бундай умумий жиҳатлар улар мансуб бўлган маънавий замин ва асосий мақсад (комил инсон идеали)нинг муштараклиги билан изоҳланади. Лекин икки ҳодиса қиёс қилинганда фақат улардаги умумий томонлар эмас, балки уларнинг туб моҳиятини ифодаладиган хусусий жиҳатлар эътиборга олиниши лозим. Чунки уларнинг ўзига хослиги фақат хусусий томонлар билан белгиланади.

Хожалар аҳлининг хожаси Абдулҳолиқ Ғиждувоний 1179 йилда, 76 ёшида вафот этган. Қабри Ғиждувон шаҳрида табаррук зиёратгоҳ ҳисобланади. Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний мазори онасининг оёқ томонида. Вақтийн замонида зиёратгоҳ ёнида чиллахона, шунингдек қирқ зинали нарвон ҳам бўлган. Ҳозир чиллахона, нарвон йўқ, лекин тошқудук бор.

Бутун дунёга машҳур Нақшбандия тариқати хожагонликдан униб ўсган. Шу боис уламолар ул бўган зот Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийга Сарҳалқаи силсилаи Нақшбандия деб таъриф берадилар¹.

Валиюллоҳ Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийдан сўнг бу ворислик Хожа Ориф Моҳи Табан Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Рементаний, Хожа Саййид Мир Кулол Бухорий, Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Ибн Саййид Жалолиддин Нақшбанд каби ўз замонасининг машҳур шайхлари томонидан давом еттирилган ва бу таълимот бутун дунё халқлари ўртасида сўнг шуҳрат қозонган.

Хожа Лангар Ато ва Хожа Сўфий чўян каби мўтабар зотлар Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг муридлари ҳисобланган. Хожа Лангар Ато қабри айнаи замонда ҳам зиёратгоҳдир.

Ҳазрати Нақшбанднинг иккинчи маънавий етакчиси Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийдир. Бу мўтабар зот Юсуф Ҳамадонийнинг учинчи шогирди бўлиб, “Хожагон” тариқатига асос солган. Бу тариқат бир асрдан сўнг Баҳоуддин Нақшбанд

1. Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 208 б.

(1318-1389) томонидан такомиллаштирилиб, унинг номи билан “Нақшбандия” деб ҳам атала бошлаган. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг асосий мақсадини ифодаловчи “Даст бакор, дил баёр!” ҳам биринчи марта XIII асрда Абдуҳолиқ Ғиждувоний томонидан айтилган экан. Бу ҳақда Мавлоно Фаҳруддин Али-ас-Сафийнинг Рашахот айн-ул-ҳаёт” (ҳаёт булоғидан оққан томчилар) асарида шундай ёзилган: “Миформудандки, ҳазрати Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний (қ.с.) фармуданки, гроний аз халқ барми бояддошт ва он намишавад, илло бо касби ҳалол даст бакор, дил баёр дар тариқи Хожагон (қ.с. арвоҳам) амри муқаррар аст”. “Рошахот” асарида Хожа Аҳрор Валийнинг оғзидан айтилган 23-рашҳа (панд-насихат) сифатида келтирилган юқоридаги жумлаларни мазкур асарнинг ўзбекча, туркча ва татарча таржима нусхаларида шундай ёзилган: “Айтур эдиларким, Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний (қ.с.) айтибдурларким, халқдин оғирлик кўтармак керак ва бу муяссар бўлмас, магар ҳалол касб билан даст бакор ва дил баёр, деган сўз Хожагон (қ.с. арвоҳам) тариқатларида амри муқаррар турур”¹.

Абдуҳолиқ Ғиждувоний ҳазратлари одамларни поклик, тўғрилиқ, ҳаллоликка бошлаган. Ўз шогирдлари учун одоб-ахлоққа бир нечта қонун-қоидалар ишлаб чиққан. Унинг “Рисолаи Соҳибия”, “Рисолаи тариқат”, “Васиятнома”, “Маслак ал орифин”, “Мақсад ас-соликин”, “Аз суфар Хожа Аҳмад Абдуҳалил Ғиждувоний”, “Мақомат Хожа Юсуф Хомадоний” каби китобларида илму одоб, инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, дин ва дунёвий муносабатлар тўғрисида фикр юритилган.²

Нақшбандия тариқати тарафдорлари ва ушбу таълимотга мўтақид бўлган миллионлаб мухлислар орасида ғоятда машҳур бўлган юқоридаги байтда ҳамдамлик, ҳамдардлик, меҳр-шафқат, ёрлик-дўстлик ва биродарлик каби энг муҳим, долзарб, умумбашарий ахлоқий қадриятлар тўғрисида сўз боради.

Юқорида биз тариқатдаги тўрт қоидаи Юсуф Ҳамадонийга, тўрт қоида Абдуҳолиқ Ғиждувонийга, учтаси эса Нақшбандийга тегишлиги ҳақида айтиб ўтган эдик.

Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний руҳларининг Баҳоуддин Нақшбандга қандай тарбия бергани ҳақида матбуотда кўп ёзилган. Баҳоуддин силсилада ҳам бевосита Абдуҳолиқ Ғиждувонийга бориб тарқалади. Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг муриди Хожа Ориф Ревгардий, муриди Хожа Ромитаний, унинг муриди Хожа Муҳаммад Бобой Самосий,

1. Насафий. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. – Т., 1993.

2. Қутибоев З. Маънавий қатралар // Мулоқот, 1997. – №1. – Б.54.

3. Султон И. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. – Тошкент: Фан, 1994. –87 б.

унинг муриди Саййид Амир Кулол ва Саййид Амир Кулолнинг муриди Баҳоуддин Нақшбанддир¹.

Муҳаммад Мусо ибн Хожа Исо Даҳбедийнинг “Катир ул-фавоид” рисоласида Абдуҳолиқ Ғиждувонийгача бўлган силсила ҳам бир-бир баён этилади. Шунинг учун тасаввуфдаги ҳар қандай тариқат каби, нақшбандия ҳам ўз ғоялари, тартиб-қоидалари, одоб ва қатъиятларини шакллантиришда жуда қадим ришталардан сув ичган. Аммо тариқатнинг бутун моҳиятини белгилаб турадиган мавжуд ўн бир қоида Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбандлар томонларидан асосланган.

Юсуф Ҳамадоний таъйин этган шиорлар:

1. Хуш ҳар дам.
2. Назар бар қадам
3. Сафар дар ватан.
4. Хилват дар анжуман.

Абдуҳолиқ Ғиждувоний таъйин этган қоидалар:

Ёдкард.

Бозгашт.

Нигоҳдош т.

Ёддошт.

Бу саккиз қоидага Баҳоуддин Нақшбанд яна уч шиорини қўшадилар:

1. Вукуфи замоний.
2. Вукуфи ададий.
3. Вукуфи қалбий².

Бу шиорлар, қоидалар кейинги йилларда чоп этилган кўпгина мақолалар ва рисоаларда шарҳланди. Мазкур шиорлар, аслида солиқларнинг зикр тушиш маҳали амал қилиши лозим бўлган қоидалардир. Аммо уларнинг яна қанчадан қанча рамзий, тасаввуфий, ҳаётий маънолари ҳам бор.

2. Нақшбандия тариқатининг Марказий Осиё ва бошқа ҳудудларда кенг ёйилиши.

Бир қанча вақт мазкур қишлоқда яшаб, руҳан қувват топган Хожа Баҳоуддин кўнглида Макка зиёратига ва Мадинага, пайғамбар қабрини зиёрат қилиш, Мағриб ва

1. Бўриев О. Нақшбандия тариқати тарихига оид янги манба // Шарқшунослик, 1997. – №8. – Б. 18-27.

Машрикдаги азиз қадамжоларни кўриб келиш истаги туғилди. Бу олис ва машаққатли сафарга Баҳоуддин билан бирга шогирдлари Муҳаммад Порсо ва Алоуддин Аттор (бир неча аср илгари ўтган Фаридуддин Аттор билан адаштирилмасин) ҳамроҳ бўлдилар. Бу икки истеъдодли мурид-сўфийлар кейинчалик нақшбандийлар тариқатининг машҳур шайхлари бўлиб етишдилар ва устоз зиёратлари ҳақида эсдаликларини ёзиб қолдирдилар. Шайх Баҳоуддин ҳаж сафарига ўзи истаган шаҳарлар орқали борди. У дастлаб Хуросон шаҳарларидан Марв ва Ҳиротни зиёрат қилди. Сўнг Нишопурга борди. Сўнг Бағдод, Дамашқ, шундан кейин Маккаи Мунаввара ва Мадинату-н-наби зиёратига борди. Мазкур ҳаж сафари Баҳоуддин Нақшбанднинг энг олис сафарларидан эди¹.

Марвда Баҳоуддин сўфийларнинг эъзозланган пири Юсуф Ҳамадоний мазорини буюк ихлос билан зиёрат қилди. У бир ҳафта давомида устоз шайх мазори ёнидан кетмай, тоат-ибодат билан шуғулланди. Шогирдларига айтишича, шу кунлари унинг пинҳоний зикрига ҳазрат шайх Юсуф Ҳамадоний имомлик қилган. Шундан кейин ҳам Баҳоуддин Марвда яна бир неча кун қолишга тўғри келди. Чунки, бу каттакон таҳдирда Нақшбаид издош-лари кўп экан. Баҳоуддин қайси масжидга намоз ўқишга борса, ўша ерга унинг ортидан гурра-гурра мусулмонлар ёғилиб келар эдилар. Ҳар сафар Баҳоуддин масжид ёнидаги хонақоҳ ҳужрасида ўтириб, гуноҳларига тавба қилиб келган одамлар учун Аллоҳдан шафқат-мурувват тилаб олар эди. Сўфийлар одатича, азиз-авлиёлар қошида худои-таъолодан гуноҳлари учун тавба қилиб кечирим сўраш катта савоб ҳисобланарди. Марвда сўфийлардан ташқари, шаҳар ҳокими ва бошқа мансабдорлар ҳам Баҳоуддинга таъзим қилиб, дуосини олишга келишди. Хожа бошқа шаҳарларга зиёратга борганида ҳам шундай бўлди. Бу ҳол Баҳоуддиннинг ўша вақтлардаёқ шуҳрати олисларга етиб борганидан далолат эди. Хожа Нақшбанднинг шогирди Муҳаммад Порсо бундай ёзади: «Ҳазрат қаерга борсалар, ҳамма ерда сўфийларнинг олий фазилатлари ила бениҳоя ҳурмат қозонар, руҳоний ҳаёт мақомларида янада баланд пояларга кўтарила борарди. Маҳаллий сўфийлар билан суҳбатларда ҳаммалари ҳазратимнинг инсонни комиллигини эътироф этар эдилар. Ҳазратимнинг фазилатлари овозаси олисларгача етиб, турли мавқелардаги мардумлар алар-нинг суҳбатларига етишишни ва аларга мурид бўлишни орзу қилур эрдилар. Хожамизнинг турли саволларга берган жавобларида теранлик бениҳоя ва бу дунёнинг айшу-сафосидан кечиб, мақомот ва каромат йўлларида мартабалари баландпоя эрди»².

Хожа Баҳоуддин Сарахсда эканлигида уни Ҳирот волийси (ноиб) асҳоблар

1. Насафий. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. – Т., 1993.

1. Кутибоев З. Бу дунё яхшиликлар экинзоридир... // Мулоқот, 1999. – №5. – Б.55-56.

2. Каттаев К. Аҳли тасаввуф ким? // Зарафшон, 1992 йил, 19-сентябрь

мажлисига таклиф этди. Мажлисда умаро, уламо ва фузало ҳозир эрдилар. Сухбатдан сўнг меҳмондорчилик вақтида Баҳоуддин фақат чой ичиб таомларга қўл тегизмади. Бунинг боисини сўраганларида хожа жавоб бердики, «биз оддий фуқаро ва дарвешларга бундок тансиқ ва ноёб таомлар емак матлуб эрмасдур. Ҳалойиқ ўйламасмуки хожамиз замонасозлик қилиб, бу дунёга кўнгил берғонлар ила бир табакдин таом ейдур деб?»¹

Маноқибларда ёзилишича, Хожа Баҳоуддин шу уч йиллик сафар-саёҳатида кўпинча пиёда юрган. Кийиниши жуда оддий, емиши ҳам оддий эди, кўнгли тансиқ таомларни тиламасди. Ёз бўлса шаҳар четроғида ёки кишлоқда очиқ ҳдвода тунаб қоларди. Қишда эса қарвонсаройларнинг оддий фуқарога аталган хужраларида тунни ўтказарди. Зеро, Баҳоуддинга молмулк орттиришга, шуҳрат қозонишга интилиш бегона эди. Ҳазрат ҳаётининг мазмуни ҳақ-таъолога, ҳақиқатга хизмат қилиш эди. Нишопур шаҳридаги сухбатларда Баҳоуддин бир муриднинг саволига бундай жавоб қилган: Бизнинг ҳаққа етишиш тариқимиз (йўлимиз) ўзаро сухбат билан бўлур. Бизда хилватнишинлик бўлмас.

Баҳоуддин Нақшбанд шу тариқа оламдаги барча одамларнинг бир-бирлари билан яқинлашиб, дўст тутинишларини, бир жамоат бўлиб яшашларини, биргаликда хайрият — яхши ишларни амалга оширишларини орзу қиларди. Пайғамбар йўлидан борган ҳазрат Баҳоуддиннинг буюклиги ҳам шунда эди.

Хожа Баҳоуддин умр бўйи одамларни бир-бирига ҳурмат-иззатли, меҳр-оқибатли бўлишини, бир-бирига яхшилик қилишларини истарди. У бу дунёга ҳамма меҳмон эканлигини тушунтирган, очкўзлик, тамагирликни, текинхўрликни, маънавий тубанликларни қоралаган.

Хожа Баҳоуддин шариат қонун-қоидаларига қаттиқ ёпишиб олмаган. У хурофотни қоралаш билан бирга, янги билимларни ўрганишга интилган. Ва шу аснода инсоннинг оламдаги ўрнини, ҳақ-таъолога муҳаббати муаммоларини кўп ўйлаган. Бағдодда биринчи сафари вақтида Хожа Баҳоуддин тасаввуфнинг йирик олими, Бағдод фалсафий мактабининг асосчиси Абу Абдуллох. ал-Мухосибий хотирасини ёдлаб, қабрини зиёрат қилди. Ал-Мухосибий фикрига кўра, инсоннинг дилидаги ниятлари билан амалда қилаётган ишлари, ички ва ташқи дунёси орасидаги мутаносиблик, уйғунликнинг бузилмаслигини текшириб туриш керак. Ҳаққа етишиш йўлида сўфийнинг олам сирларини тушунадиган ҳолга кириши, илми ҳол тушунчасини ҳам Мухосибий ихтиро этган эди.

Боғдодда Хожа Баҳоуддин, шунингдек, бутун дунё сўфийлари устоз деб ҳисоблайдиган Жунайд Бағдодий қабрини зиёрат қилди. Аҳмад Яссавий эслатишича,

Жунайд Бағдодий фано фи-л-лоҳ (Аллоҳ ҳузурида фано топиш) назариясини кашф этган. «Фано» тушунчаси мусулмон мистицизми, илми ғайбнинг, сўфийлик мақоматининг асосий истилоҳларидан биридир. Худога муҳаббат, ҳақиқатга чин ошиқлик, бу йўлда барча машаққатларга, хор-зорликларга сабр-матонат билан чидаш улуғ мутасаввифларгагина насиб этади.

Бағдод шаҳрида ўша вақтда 20 дан зиёд кутубхона бўлиб, Баҳоуддин уларда сақланаётган тасаввуфга доир асарларни синчиклаб ўрганди. Табиийки, Хожа Баҳоуддин бу ерда ислом оламида донғи кетган Мансур Халлож ҳаёти ва таълимоти билан ҳам қизиқди. Унинг асарларини топиб ўқиди. Бошқа мутасаввифлар ҳаққа этишиш йўлларини, илми ғайбни илоҳий сир деб, ҳар кимга билдирмас эдилар. Мансур Халлож эса айрим нодир зотларгина эмас, балки оламдаги ҳамма мавжудот Аллоҳнинг тажаллийси — кўриниши, илоҳийлик инсонда ҳам хос деб эълон қилди¹.

Хуллас, Хожа Баҳоуддин мана шу узоқ сафари давомида айрим олимлар ва шайхлар сўфийликнинг турли тариқатлари, турли мазҳаб вакиллари ислом динини чалкаштириб юборганликларини аниқлади. Энди исломни асл ҳолига, тозалик даврига қайтариш, уни турли-туман чалкашликлардан ва расмиятчиликлардан тозалаш зарур, деган фикрга келди ва шу шиорни ўртага ташлади. Шарқ мамлакатларидаги барча софдил мусулмонлар бу чақириққа қизғин жавоб бердилар. Шу тариқа Бухорода исломни мусаффолаштиришга, инсонийлигига қайтаришга аҳд қилган ғоят кучли нақшбандийлик сулуки — ижодий мактаби вужудга келди. Оқибатда Мовароуннахр, Хуросон, Эрон, Усмонли Туркия, ҳатто Олтин Ўрда давлатларидан Бухорога, Баҳоуддин ҳузурига минглаб шогирдлар, муридлар оқиб кела бошлади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг маърифати, табиий ширинсуханлиги, самимияти, оташин воизлиги, ибодатда покизалиги унинг таълимоти довруғини оламга таратди.

Нақшбандийлик таълимотидаги муҳим янгилик — таркидунёчиликдан кечиб, ҳалол меҳнатнинг ноз-неъматларидан баҳраманд бўлиб яшаш, дунёвий ҳокимият билан халқ манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилиш, ҳукмдорларни илм-маърифатга, адл-инсофга чақириш яхши самаралар бера бошлади. Эндиликда ман-ман деган амирлар ва подшолар ҳам нақшбандийлар билан яхши муносабат ўрнатишлари зарур бўлиб қолди.

Тарих саҳнасига чиқиб, жуда, кўп халқларнинг тақдирларига таъсир кўрсата бошлаган соҳибқирон Темур ва Туркия султони Йилдирим Боязид ҳам бундан мустасно эмасдилар. Аммо бу ишлар кейинроқ юз берди.

Баҳоуддин Нақшбанд биринчи ҳаж сафаридаёқ жуда кўп мусулмон олимлари

1. Исоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Т., 2007.

эътиборини ўзига қаратди. (Баҳоуддин умри давомида уч марта Каъба зиёратига борган.)

Маълумки, Каъба зиёратини, биринчи ҳажни ислом пайғамбари расулуллоҳ Муҳаммад ассалоту алайҳи васаллам бошлаб берган (мелодий 632 йил, 3 февраль, ҳижрий 9- йил, рамазон). Ўша тарихий кундан буён ўтган асрлар давомида Ер юзидаги минг-минг мусулмонлар ҳажга, Каъба зиёратига бориб, Аллоҳнинг раҳматига доҳил бўлмоқдалар.

Маккаи мукаррама зиёратига бориш — ибодати исломияда беш асосий шартдан биридир. Ҳар бир мусулмон агар имкони етса умрида бир мартаба ҳаж зиёратига бориши зарур. Соғлиғи тўғри келмаса вакил юбориши мумкин.

Зиёратчилар Маккаи мукаррамага зулҳижжа ойининг еттинчисида етиб келадилар ва эҳром кийиш маросимидан сўнг кичик ҳаж — умраъни ўтайдилар. Сўнг Каъба биносини айланиб, Мукаддас Қоратошни тавоф этадилар, жамоат билан намоз ўқиб, ибодат қиладилар, мукаддас Зам-зам сувидан ичадилар. Сўнг ас-Сафо ва ал-Марво тепаликлари ўртасида югуриб, саъй русумини ўтайдилар.

Эртасига (явм ат-тарвия) барча зиёратчилар сув ғамлаб олиб, Мино водийсига йўл оладилар. Зулҳижжа ойининг саккизинчисидан тўққизинчисига ўтар кечаси зиёратчиларнинг бир қисми тунаб қоладилар. Тўққи-зинчи куни зиёратчилар Арофат тоғи этагида вуқуф (манзил) тутиш расмини бажо этадилар. Шу ерда хутба намозини ўқийдилар. Вуқуф куни тонг отгунга қадар давом этади. Сўнг зиёратчилар Муздалифа водийсига югуриб, ифода русумини бажарадилар. Шу ердаги жомеъ масжидида шом ва хуфтон намозини ўқийдилар. Зул-ҳижжа ойининг ўнинчи куни зиёратчилар Мино водийсига қайтиб, у ерда Иблис; тимсолидаги устунга тош отиш маросимини бажарадилар. Чунки шу ерда Иблис пайғам-барнинг йўлини тўсган, шундан кейин «аузу бил-л-лоҳу мин аш-шайтонир-р-ражим» ояти нозил бўлган экан. Кейин зиёратчилар шу ердаги савдогарлар ёки бадавий-лардан қўй, эчки ёки мол сотиб олиб, Иброҳим ва Исҳоқ пайғамбарлар руҳини ёдлаб, қурбонлик қиладилар. Шу куни, ривоятларга кўра Иброҳим ҳалилуллоҳ тушида Аллоҳ-таъолонинг фармонини эшитиб, ўғлини забиҳа — қурбонлик қилиш учун бўғзига пичоқ тортганида бутазор орасида фаришта Жаброил чиқиб, «Иброҳим, бу ишни қилма», деб Аллоҳ фармон берганлигини, Аллоҳ унинг содиқлигига ишонганлигини айтади. Ўғли ўрнига Жаброил жаннатдан олиб келган қўчқорни қурбонлик қилади. Кейинроқ, Исҳоқ улғайгач, Иброҳим ҳали-луллоҳ ўғли билан бирга Каъба биносини қуради¹.

Каъба куб шаклида бўлиб, устига қора бахмал ўралган. Бахмал билан ўралган деворларини тўрт тарафига зар ипакдан Қуръони карим оятлари ёзилган. Каъбада, унинг

1. Насафий. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. – Т., 1993.

шарқий девори ичида муқаддае Қора-тош — Ҳажару-л-асвод ер устидан бир ярим метр юқорида жойлашган. Қоратош кумуш чамбар билан ўралган. Ривоятга кўра, осмондан тушган фаришта Қоратошга айланиб қолган. Қиёмат куни у яна тирилиб, - ўзини тавоф этган, Аллоҳ йўлига кирган, гуноҳларига тавба қилган мусулмонларга гувоҳлик беради. Шунинг учун Байтул-ҳарам поклик уйи, осмон Каъбасининг сояси, акси ҳисобланади.

Маккаи мукаррамадаги мазкур Каъба Масжид ал-ҳарамнинг ўртасида жойлашган. Бутун Ер Юзи мусулмонлари Каъбани қиблагоҳ деб билганлари учун жаҳондаги ҳамма намозхонлар шу қиблага қараб ибодат қиладилар.

Ҳаж зиёратининг яна муҳим бир жиҳати шуки, қандайдир сабаблар билан қурбон-ҳайитга улгуриб келолмаган зиёратчилар Макка, Мадина, Жидда ва бошқа шаҳарларда қолиб кетадилар ва келгуси қурбон ҳайитини кутадилар. Шунин билган Хожа Баҳоуддин Машриқ ва Мағрибдаги бир қанча шаҳарларни тез-тез зиёрат қилиб, у ерларнинг кутубхоналаридаги тасаввуфга доир асарлар билан танишиб, шогирдлари Алоуддин Аттор ва Муҳаммад Порсо билан бирга зулҳижжа ойининг еттинчи куни Маккаи мукаррамага етиб ваддилар ва зиёратчилар оқимига қўшилдилар. Зиёратчилар билан бирга Арофат тоғи этагида тушиб қолганларида Хожа Баҳоуддин ҳаётидаги мўъжиза-кароматлардан бири - юз берди. Хожанинг ҳаётномасида шу воқеа келтирилади: «Ҳазрат Баҳоуддин зулҳижжа ойининг тўққизинчи куни Арофат тоғи этагида табаррук тунни ўтказиб, азонда чехраси ёришиб уйқудан уйғондилар. Ва бизга айтдиларки, камина ҳазрат Иброҳим халилуллоҳ сиймосини кўришга мушарраф бўлибмен. Ул ҳазрат осмондин нур шуъласи ила мен томонга тушубдур ва мени суҳбатига муяссар этибдур. Иброҳим пайғамбарнинг «Қайси юртдан келдинг?» деган саволига ҳазрати хожам. Бухородин, деб жавоб берибтурлар. Алқисса, Иброҳим пайғамбар айтдиларки, ман юқори осмондан қуйи осмонга ўтиб, парвоз қилиб юрганимда барча шаҳарларга осмондин нур ёғилур, фақат бир шаҳардин осмонга нур таралиб турар эрди. Бу сирнинг боисини фаришта Жаброилдин сўрадим. Ул фаришта айдикки, осмонга нурини сочиб турган шаҳар Бухорои шарифдир. Бул пайғомдин ҳазрат Баҳоуддин кўнгиллари шоду хуррам бўлди. Шу захоти сураи фотиҳани ўқиб, Иброҳим пайғамбарнинг барларини ушлашга мушарраф бўлдилар. Шундан сўнг Иброҳим пайғамбар Хожа Баҳоуддин ҳазратдин сўрдиларки, «Қуръони каримда энг аввал қайси сура нозил бўлгон, билурмисан?» деб. Хожа Баҳоуддин дарҳол Каломи шарифдин Маккада энг аввал нозил бўлгон Алақ сурасини қироат қилдилар.

Шарқий Туркистондаги Хожа Аҳмад Косоний авлодларининг икки шохобчаси — оқтоғлик ва қоратоғлик хожалари (улар ўртасидаги кескин курашлардан натижасида XVII аср ўрталарида маънавий ва сиёсий ҳокимият тўлалигича оқтоғликлар қўлига ўтган эди)

ҳам Нақшбандия тариқатининг давомчилари эди. Нақшбандия Ўрта Осиё ва Волгабўйи (Қозон)да XX аср 20-йилларигача амал қилиб келди.

Бу таълимот Ҳиндистон, Усмонли турклар диёри ва Эронда кенг тарқалди ва уларнинг давлат сиёсатида ҳам муҳим аҳамият касб этди. Ўрта Осиё тасаввуф ривожидида икки буюк сўфийнинг ҳиссаси каттадир. Улардан бири Абдулҳасан Али ал-Хороқоний бўлса, иккинчиси Абу Али ал-Фармадийдир. Бу шахс милодий 1084 йили оламдан ўтган. Фармадийнинг икки шогирди тасаввуф оламида жуда машҳур бўлиб: биринчиси Аҳмад ал-Ғаззолий (милодий 1122 йили вафот этган), иккинчиси Юсуф Ҳамадоний (милодий 1048-1140)дир. Кўп тариқат силсилалари ана шу икки шогирддан бошланади¹.

Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд бевосита Амир Сайиид Кулол, Қусам Шайх, Ҳалил оталардан таълим олган бўлсаларда, хожаган таълимотининг асосчилари, Мовароуннаҳр ва Хуросон халқларининг буюк мутасаввуф донишмандлар Шахс-уш-шуюх (шайхлар шайхи) Юсуф Ҳамадоний (1048-1140) ва унинг тўртинчи мумтоз халифаси (шогирди) Хожаи жаҳон-Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийлар у кишининг маънавий устозлари эди.

Баҳоуддин Нақшбанд Хожа Абдуллоҳ Ғиждувоний ва унинг устози бузруквори Юсуф Ҳамадонийга нисбатан увайсия (яъни, бевосита эмас, билвосита, маънавий шогирд) ҳисобланади. Бу сўз, аслан, Пайғамбаримиз Расули Акрам (с.а.в.) ни кўрмай, учрашмай унга маънавий шогирд бўлган “Увайсия” тариқатининг асосчиси, яманлик машҳур мутасаввуф донишманд Увайс Карнайга нисбатан ва кейин тасаввуф илмида кенг жорий этилган.

Эрондаги Ҳамадон шаҳри ёнидаги Бузанжирд қишлоғида 1048 йилда туғилган Юсуф Ҳамадоний ўз даврининг етук фикх, ҳадис ва тасаввуф олимидир. У араб ва форс юртларида таълим олади, ўз билимларини яна ҳам ошириш ниятида Мовароуннаҳр ва Хуросонга келади. Бухоро, Самарқанд, Насаф, Марв, Балх, Хирот каби шаҳарларда бўлиб, бу ерлардаги етук олимлар билан мусоҳиба бўлади. Бухорои шарифда масжид, мадраса ва хонақоҳ қурдириб, кўплаб туркийгўй ва форсийгўй шогирдлар тарбиялайди. Унинг халифаи арбаъа (тўрт мумтоз шогирдлари) Андокий, Барракий, Яссавий ва Ғиждувонийлар ҳисобланади. Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний ўзининг “Рисолаи Шайх-уш-шуюх Юсуф Ҳамадоний” асарида бузруквор устози Юсуф Ҳамадоний ҳақида шундай ёзади: “Пири бузрукворимиз Юсуф Ҳамадоний узоқ умри мобайнида кўплаб сафарлар қилган, 33 марта поё пиёда, гоҳ от-уловда юриб Ҳаж қилган, минг мартадан зиёд хатми Қур’он этган, Қур’они каримни мукаммал ёд олган, улуғ донишманд бир зот эдилар. Ҳамиша тоат-ибодат қилар, кўпинча рўза тутар эдилар. 8000 будпарастни

1. Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 280 б.

мусулмон қилган, унинг иршодзотини олиб, тўғри ҳақиқат ёнига тушганларнинг сон-саноғини ҳеч ким билмас эди. У зоти муборак ҳалол меҳнат қилиб нима топса уйда сақламасдан, бева-бечораларга, етим-есирларга тақсимлаб берар эдилар...

Ўзлари суҳбат асосида доим табассум қилиб гапирар, туркийни яхши англар, бироқ қийналиб гапирмас эдилар... Алар ҳамиша ҳалол ичиб, ҳалол ер эдилар, ҳаром нарсалардан нафратланар эдилар, ҳалолларни ғоятда яхши кўрар эдилар, бекорчи мафтхўр (текинхўр) одамларни ёқтирмас эдилар. Танпарвар (худнома ва манман) кишиларни ғоятда ёмон кўрар эдилар; қишлоқ жойларида, тоғларда сайр қилишни ёқтирар эдилар, ўша жойлардаги аҳоли (турк, араб, тожик, чўпон, подабон, шутурбон) вакиллари билан ғоят самимий кўришар, улар билан дилдан суҳбатлашар эдилар”.

Алар доимо: “Худой ломакандур, макон учун уни хожат йўқ, касб-хунар фарздур, яхши амал иймондандур, иймон тоатдур, ҳар қандай тоат иймон эмас”, деб иршод этардилар. Алар ҳамиша: “Хўш ҳар дам доред, назар бир қадам доред, сафар дар ватан доред, хилват дар анжуман доред”, - деб панд-насихат қилар эдилар. Демак, хожагон (Нақшбандия) тариқатидаги асосий тўрт қоида (калимаи қудсия)ни “Хуш дар дам”, назар бар қадам “Сафар дар ватан” ва “Хилват дар анжуман” биринчи марта Юсуф Ҳамадоний томонидан айтилган, қолган тўрт қоида Абдулҳолиқ Ғиждувоний ва уchtаси Нақшбанд томонидан ишлаб чиқилган (бу ҳақда биз кейинроқ яна тўхтаймиз)¹.

Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний қуддиси сирриху – Хожаи Жаҳон, Хожа Абдулҳолиқ номи билан бутун дунёга машҳур Отаси Хожа Абдулжалил Румий Раҳматуллоҳи Алай Имом номи билан машҳур бўлиб, масжидда имомлик қилган. Имоми Молик авлодидан, румлик. Рум подшоҳлари авлодига ҳам мансублиги бор. Ул зот ўз замонасининг алломаси – зоҳирий ва ботиний илмларнинг олими. Ҳизр алайҳиссалом билан суҳбатда бўлган. Зоти шарифнинг тушига Ҳизр алайҳиссалом кириб, Бухорои Шарифнинг сафар қилиши, Ғиждувонда наш-у намо топиб, фарзанд топиб, фарзанд кўриши ва туғилажак фарзанднинг муборак исмини Абдулҳолиқ қўйилишини башорат қилган.

Хожа Абдулжалил Румий розиаллоҳу анҳу Румдан нарвон бошлаб, Бухорои шарифга йўл олган ва тушда аён бўлганидек, Ғиждувонда наш-у намо топиб, 1103 йилда фарзанд кўриб, исмини Абдулҳолиқ қўйган.

Хожа диний оилада, исломий тасаввуф ва урф-одатлар қуршовида униб ўсган. Ҳизр алайҳиссаломнинг савоба фарзанди ҳисобланган. Тўққиз ёшида Қуръони Каримни ёд олган, ўн ёшидан бошлаб дарвешларнинг зикр туширишларида фаол иштирок этган.

1. Султон И. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. – Тошкент: Фан, 1994. –87 б.

Хожа Баҳоуддин шогирдлари билан Искандарияга бориб, у ердаги машҳур кутубхоналарни айланди. Мағриб мамлакатларини кезишди. Шундан сўнггина Бағдод, Нишопур, Марв орқали Бухорога кириш олдидан. Қизилқум чўлларида тунаб қолдилар. Қадрдон юртидан кетганларидан бўён учинчи марта баҳор келиши эди. Баҳоуддин шу кеча хуфтон намозини ўқигач, Бухорога яқинлашганига дили хушнуд бўлиб, тошга бошини қўйиб ухлаб қолди. Шу кеча яна ҳазрати Иброҳим Ҳалилуллоҳни туш кўрди. Пайғамбар унга оқ булут устида ўтирган ҳолда кўринди. У баланд осмондан аста-секин Баҳоуддин қошига яқинлашиб келди... Таажжубки, Иброҳим пайғамбар қўлида Каъбадаги Қоратош парчаси бор эди. Хожа Баҳоуддин кўнгли равшанлашиб, Каъбадаги каби, яна муқаддас Қоратошга лабини босиб тавоф қилди ва Қуръондан фотиҳа сурасини ўқиди. Шундан сўнг Иброҳим алайҳиссалом Хожа Баҳоуддинга «Каъба зиёратидан нима олиб қайтурсан?» деб савол берди. Хожа Баҳоуддин Каъба зиёратидан табаррук сув тўла кўза, табаррук тасбеҳ ва тут оғочидан асо (ҳасса) олиб келаётганини айтди. Иброҳим алайҳиссалом айтдики; «Қадрдон қишлоғинг Қасри Орифонга борганингдан сўнг, онанг қабри устида сенга Аллоҳ томонидан берилган валийлик далолатини олурсан! Қабр бошида Қуръон тиловат қилгач, тасбеҳинг доналарини муридларинг, шогирдларингга бўлиб бергил; улар тариқатингни ўзга ўлкаларга бориб ёйсунлар. Ҳассангни ҳовуз бўйига ерга сукиб қўйсанг, у кўклаб япроқлари сенинг ҳаж сафаридан валий бўлиб қайтганингдан далолат бергай!»

Қасри Орифонгача Хожа Баҳоуддин пайғамбар каромати таъсирида ҳаяжонга ғарк бўлиб борди. Зиёратчи дилида хушнудлик билан қадрдон қишлоғига келиб, тўғри онасининг қабри қошига борди. Қуръон тиловат қилганидан сўнг онаси қабридаги октош шу заҳоти Каъбадаги силлиқ Қоратошга ўхшаб қолди. Бу тош худонинг қудрати ва каромати билан Иброҳим пайғамбар осмондан олиб тушган деб ҳисобланади ва у ҳозир ҳам Хожа Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасининг шимолий тарафига суяб қўйилган. Маҳаллий аҳоли бу тошни Санги мурод деб атайдилар. Авлиё Баҳоуддин мазорини зиёрат қилишга келганлар шу табаррук тошни тавоф қилиб, тилагини айтсалар, бажо бўлади деган эътиқод ҳозиргача ҳукм суради. Иброҳим пайғамбар амри билан ҳовуз бўйига суқилган ҳасса ўсиб, катта тут дарахтига айланган. Асрлар ўтиб, табаррук тут дарахти умри битиб қуригач, ҳозир хонақоҳ олдадаги тош пойдеворга ётқизиб қўйилган. Зиёратчилар турли дардлардан ҳалос бўлиш учун тут шохларига рангли матоҳлардан алам боғлайдилар.

Хожа Баҳоуддиннинг ўзи Маккадан қайтиб келгач, мўъжизавий кароматлардан сўнг табаррук Қоратош ёнидаги кичик хужрада яшай бошлади. Шогирдлари кўпайди. Устоз уларга илм-маърифатдан сабоқ беришни давом эттирди. Хожа Баҳоуддин расули

акрам Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларида ифодаланган суннатга — исломнинг покиза анъаналарига амал қиларди.

Хожа Баҳоуддин кадрдон қишлоғида хонақоҳ вақфига ажратилган озроқ ерда буғдой, арпа, мош экиб, деҳқончилик билан шуғулланди. Ўз муридларига ҳам шундай яшашни маслаҳат берди. Хожа Баҳоуддин ҳаётига доир маноқибда бундай ҳикоя қилинади: «Фоний дунёда имонини басаломат сақлаш учун Баҳоуддин мол-дунёдан, давлат ишларидан, турли манфа-атлардан узоқ турарди. Унинг уй-жойи ҳам, ортиқча ер-мулки ҳам йўқ эди. Мусофирлардай, ҳар кимларнинг ҳовлисида ижара ҳақини тўлаб турарди. Қишда шох-шаббаларни ёкиб исинар, ёзда эски бўйра устида ўтирарди. Идиш-товокдан фақат синиқ кўзаси, чой қайнатишга қора қумғони бор эди холос. Унинг бирорта хизматкори, қули ёки чўриси бўлмаган. Бир куни Хожа Баҳоуддинга қул хизматкор таклиф этишганида, у кўнмай «Қачон бу бандалиғ хожалиғ била (рост) келур?» деган эди.

Айни вақтда Хожа Баҳоуддин одамлар билмасдан йўл кўядиган хатолар, оддий гуноҳлар бошқа, билиб туриб, атайин нопок йўлларга кириб қилинган гуноҳларни кечириш мумкин эмас, деб ҳисобларди. Замондошлари ёзишича, «Хожа Баҳоуддин табиатан оқкўнгил, меҳрибон одам эди, аммо у ўзига ва атрофидагиларга ёлғон гапирувчилардан ҳазар қиларди». Зеро, тарихдан маълумки, одамларга ғамхўрлик қилмаган ҳар қандай йирик шахслар халқ қалбининг тўридан ўрин олмайди, албатта. Фақат, барча одамларга яхшилик тилаган азиз-авлиёларнинг муборак номларини ва қилган ишларини халқ сира унутмайди. Хожа Баҳоуддин ҳиммати нақадар баландлигини қуйидаги табаррук сўзлардан ҳам билиш мумкин: (Хожа Баҳоуддин) дебтурларки, ҳазрати Хожаи Азизон дер эрмишларким, ер бу тоифа валийуллоҳлар кўзида (назарида) бир суфрачадур ва биз дербизки, тирноғ юзичадур. Ҳеч нима булар кўзидин ғойиб эмас...»

Кундалик матбуот саҳифалари турли-туман мўъжизалар, башоратлар, кароматлар, инсон руҳий олами имкониятлари ҳақидаги хабарлар билан тўлиб-тошган ҳозирги вақтда Ўрта асрларда яшаган Баҳоуддин Нақшбанд каби валийларнинг руҳий имкониятлари нақадар катта эканлигини равшан тасаввур қилиш мумкин. Ўша вақтларда истеъдодли сўфий дарвешларнинг кўпчилиги башоратчи, кароматгўй эканлигини эътироф этишимиз керак. Баҳоуддин Нақшбанднинг таҳаллусига, куньясига келсак, баъзи муаррихлар ёзишича, оламда не воқеалар бўлса бари Нақшбанд кўнглига олтин муҳрга ўйилган ҳарфлардай нақшланиб қолур эрди. У Бухорода туриб, олис ерлардаги бошқа шаҳарларда не воқеалар бўлаётганини билиб турарди. Хожа Баҳоуддин оғир беморларни соғайтириб юборар, бир ишора билан ёнғинни ўчириб қўя олар эди. Ҳаж зиёратига борганида Баҳоуддинга маккаликлар анча-мунча олтин танга беришиб, ғарибу ғураболарга, бева-бечораларга улашиб беринг, бизни дуо қилишсин, деган эдилар. Табиат сир-синоатларга тўла. Аммо,

энг сирли хилқат — бу инсон табиатидир. Хусусан, Баҳоуддин Нақшбанд каби авлиёларнинг кўнглида не сирлар борлиги ёлғиз Аллоҳ таъолога аёндыр. Баҳоуддин каби улуғ зотларнинг сирларидан бири шуки, уларнинг руҳлари орадан кўп асрлар ўтгандан кейин ҳам мадад сўраганларга ёрдамга келади. Моддий қуроҳларнинг кучи етмаган олис масофаларга ва даврларга руҳий тўлқинлар етиб бора олади. Инсон тоат ибодат қилаётганида, Таврот, Забур, Қуръон, Инжил каби муқаддас китобларнинг оятларини чин дилдан тиловат қилаётганида ҳақ шундай руҳий мўъжизалар юз беради. Пайғамбарлар, авлиёлар эса ана шу қудсият оламининг элчиларидирлар.

Хожа Баҳоуддин замондошлари хотирлашича, ёшлик чоғларида ҳам жуда кўп кароматлар кўрсатган. «Бир йили Қарши вилоятида қурғоқчиликдан экинлар ва ўт-ўланлар қовжираб, қуйиб кетган. Халқ ва мол-ҳолларга кирғин келиши хавфи яқинлашган. Ана шунда қаршиликлар Хожанинг бир муриддини Бухорои шарифга, шайх Баҳоуддин хузурига ундан мадад сўрашга юборишади.

Сал ўтмай Қарши устида булутлар тўпланиб, ёмғир ёға бошлади. Эртасига мурид Қаршига қайтишга рухсат олади. У қайтиб боргунича уч кун муттасил ёмғир ёғди. Шу тариқа Қарши вилояти қурғоқчиликдан қутулди. Баъзилар, бу бир афсона дейишлари мумкин. Аммо афсона ўз йўлига, валийликда ҳам ҳикмат кўпда. Ғайб илми валийга одамларни фақат ҳайрон қолдириши учун эмас, балки олам сирларини англаш учун худо томонидан берилади. Маноқибларда ёзилишича, Хожа Баҳоуддин умри охирлаганини сезгач, Бухорои шариф қарвонсаройларидан бирига бориб, ҳолсизланиб ётади. Бисёр шогирдлари атрофида парвона эдилар. Хожа ҳар бир шогирдининг кўнглини кўтариб тасалли бериш учун муносиб сўз айтар эди. Жони узилаётган лаҳзада Хожа Баҳоуддин жойнамоз устида фотиҳага қўл очиб, узоқ ўтириб қолади ва шу алфозда руҳи ўзга оламга йўл олади. «Алар (ҳижрий) етти юз тўқсон бирда, робиу-л-аввал ойининг учиди, душанба кечаси (73 ёшда) оламдан ўтибтурлар» (Алишер Навоий. «Насойиму-л-муҳаббат».)

Тарих саҳифаларида ёзиб қолдирилишича, ҳар бир даврда бу ерда яшаган мусулмон подшоҳлар ва ҳокимлар албатта Хожа Баҳоуддин мазорини обод қилишни ўз бурчи деб ҳисоблаган. 1544-45 йилларда Султон Абдулазизхон 1 томонидан Хожа Баҳоуддин дахмаси ёнида сўфийлар маскани — хонақоҳ барпо этилди. Минорали, икки айвонли масжиди жомеъ эса XVIII аср ўрталарида, Абул Файзхоннинг онаси тарафидан бунёд этилган. Юз йилдан сўнг, XIX асрнинг биринчи ярмида Ҳаким Қўшбеги томонидан Нақшбанд мақбараси ховлисидаги иккинчи масжид қуриб битказилди.

Ҳозирда, бу табаррук маъвога ўн минглаб, юз минглаб зиёратчилар ва сайёҳлар келиб, Бухорои шарифнинг ўрталаридаги буюк маданияти билан танишмоқдалар; Бир вақтлар муқаддас Каъбага номусулмон сайёҳлар киритилмагандай, Бухорои шариф

дарвозалари ҳам ғайридин сайёхлар учун беркитиб қўйилган эди. Шунга қарамай Оврупанинг ақл-заковатли одамлари Бухорои шарифнинг табаррук маъволарини кўришни орзу қилар эдилар. Шу маънода, XIX асрнинг эллигинчи йилларида Бухоро ва Самарқанд сайрига келган можор олими Ҳерман Вамберининг саёҳати қизиқарлидир. У Бухорога мусулмон дарвеш қиёфасида келган эди. Еврўпалик шарқшунос олим Вамбери Мовароуннахрнинг муқаддас жойларини зиёрат қилишга келганида шоҳ дарвеш Машраб келганига 150 йил, шайх Баҳоуддин бу дунёдан ўтганига 450 йил тўлган эди. Вамберининг ўша даврдаги Бухоро ҳақидаги таъсуротлари шу жиҳатдан ҳам қизиқиш уйғотади. Вамбери «Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи» асарида ёзади:

«Бухоро чиндан ҳам Ўрта Осиёнинг пойтахт шаҳридир. Бу ерда маданиятнинг юксак наъмуналарини кўриш мумкин. Бухоро Париж ва Лондонни эслатади. Саёҳатим охирида мен Бухоро ва Самарқанд расталаридан Шарқ тарихи ва тилшуносликка оид қимматли қўлёзмаларни қўлга киритдим.

Мен ҳамма жойда ўзимни Истамбулдан шайх Баҳоуддин мазорини зиёрат қилишга келган мусофирман, деб таништирар эдим. Баҳоуддин қишлоғи Бухородан 2 соатлик масофада жойлашган, қишлоқ аввал айтганимдай, Баҳоуддин Нақшбанд мазори билан дунёга машҳур. Бу ерда Шарқ исломининг ўзига хос хусусиятларини гапириш ўрни эмас. Аммо шуни айтиш жоизки, Туркистон халқининг азиз-авлиёси Баҳоуддин пайғамбар Муҳаммаддан кейинги улуғ зотлардан ҳисобланади. Бухоролик «Ё, Баҳоуддин балогардон!» деб ҳайқирганида ҳар қандай фалокатдан нажот топишига ишонади. Бу ерга ҳатто олис Хитой — Чин Мочиндан ҳам зиёратчилар келдилар. Авлиёнинг қабри боғчанинг ўртасида. Боғчанинг бир тарафига масжид солинган. Масжидга фақат ҳовлидан ўтиб бўлади. Ҳовлида эса тиланчи, гадоилар сизга эргашади. Уларнинг хиралигини Рим ёхуд Неапол гадоиларининг хиралигига таққослаш мумкин. Қабрнинг олди тарафида «Санги мурод бўлиб, художўй одамлар бош қўяверганидан сийқалашиб кетган. Қабрнинг устига қўчқор шохлари қўйилиб, уларга алам боғланган. Ўтган асрларда қабр устига гумбазлар қуришга кўп марта уринишган. Ҳар сафар гумбаз бинос йиқилиб тушаверган. Мақбарани кўрган шайхлар шундай дейишади. Уларнинг айтишича, тариқат пири Баҳоуддин 7 рақамини табаррук деб, яхши кўрар экан. Ўзи ҳам еттинчи ойда таваллуд топган, етти ёшида Қуръони Каримни ёд олган, етмиш ёшида бу оламдан кўчган».

Унинг табаррук мазорига йўл етмиш йилча тақиқлаб қўйилган. Инқилобдан сал аввал ҳам Нақшбанд тариқатининг ҳаётбахш таъсири Мовароуннахр, Каспий денгизидан Шарқий Туркистон — Қошғаргача, шунингдек, Эроннинг бир қисми, Афғонистон ва Ҳиндистонгача тарқалган эди. Туркияда Нақшбандлик тариқатининг уч шохобчаси — Истамбул, Ҳалаб ва Дамашқ тармоқлари бор эди. Маккаи мукаррамада ҳам

нақшбандийларнинг икки жамоаси мавжуд.

Эндиликда Когон туманидаги Бухоро жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган Қасри Орифон қишлоғидаги Баҳоуддин Нақшбандийнинг муқаддас мақбараси 1989 йил 5 май кунидан янги даврни бошдан кечирмоқда. Худди шу куни табаррук қадамжо 600 йил аввалгидай дунёнинг ҳамма бурчакларидан келадиган зиёратчиларга очик, деб эълон қилинди. Қадимий тарих ва дин булоқларига ташна минг-минг зиёратчиларга йўл очилди. Чинакам маънавий камолотга тарих ва диёнатсиз эришиб бўладими, ахир.

Ишончимиз, комилки, бундан буён ҳам шайх Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак руҳи Бухорои шарифнинг аввалги улуғвор шон-шухратини бутун дунёга машхур қилади.

3. Нақшбандия тариқатининг бошқа халқлар тамонидан ўрганилиши.

Сўнгги ўттиз йил мобайнида Ғарб ва Шарқ шрқшунослари , диншунос ва исломшунос олимларнинг Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти ва нақшбандия тариқатининг йирик вакиллари томонидан яратилган бой маънавий меросни ўрганиш ва тадқиқ этишга қаратилган саъй ҳаракатлари исломшунослик фанининг тасаввуфшунослик тармоғида янги бир соҳа – нақшбандияшунослик ихтисосининг вужудга келишига сабаб бўлди.

Алида ўзбек ва форс - тожик олимлари тамонидан бошланиб, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг янги босқичга кўтарилган нақшбандияшуносликка илмий- назарий ва услубий жихатдан Жомий ва Наволий каби буюк мутафаккирларимиз асос солган эди. Бир тамондан, ихлос ва мухаббат иккинчи тамондан холислик ва илмийликка асосланган ушбу илмий услуб ҳозирги пайитга келиб бир қатор мусилмон Шарқи мамлакатлари олимларининг ҳам асосий тадқиқот услубига айланаётганини ижобий ҳодиса сифатида таъкидлаб ўтиш биз – Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ватандошлари қалбида катта қувонч ва мамнуният уйғотиши – табиий ҳол албатта. Айниқса, Туркиялик олимларнинг саъй – ҳаракатларини алоҳида эътироф этиб ўтишга тўғри келади. Баъзи бир

араб мамлакатлари, Ҳиндистон ва Покистонда ҳам бу таълимотга нисбатан қизиқиш уйғонгани сир эмас.

Хўш хижрий тўққизинчи асргача бўлган даврда аҳли сунна ва-л-жамоа йўналишининг фикхий ақийдавий асосларини яратиш ва мустаҳкамлашда алоҳида ўрин тутган ва суннийлик, айникса, ҳанафийлик ва шофеийлик фикхий мазҳабларига асосланган тасаввуфий тариқатларининг шаклланишига муносиб замин ярата олган Эронда Баҳоуддин Нқшбанд маънавий мероси, умуман, нақшбандия таълимотига бўлган қизиқиш қай аҳволда ?

Суннийлик давридаги Эронда қодирия, суҳравардия ва неъматуллоҳия каби тариқатларнинг вужудга келгани, хижрий тўққизинчи асирга келиб, минтақадаги ҳукумрон диний- мафкуравий таълимот даражасига кўтарилаётган нақшбандия таълимотининг Хожа Аҳрор Валий ва унинг содиқ издошлари орқалий Эронда ҳам илдиз ота бошлагани бу ҳолат Эроннинг ғарбий қисмида шиа йўналишидаги тариқатга асос солган Шайх Ардабилий раҳнамолигидаги диний, сиёсий ва мафкуравий ҳаракатнинг вужудга келишига туртки бўлгани, тобора кучайиб борган бу ҳаракат Ғарбий и Эрон ва Хуросоннинг катта бир қисмини қамраб олиб, охир оқибат шиа-сунний йўналишлари ўртасидаги сиёсий ва ақийдавий ихтилофларнинг вужудга келишига замин яратгани , бу мунозаралардан, ҳтто Жомий ва Навоий каби зотлар ҳам четда қолмагани, айникса, Ҳазрат Жомий “Нафаҳот улунус...” асарида Шайх Сафийуддин Артабилий ва унинг фарзандларини зикр этиб ўтмагани учун шиа шайхларининг эътирозига учрагани хижрий ўнинчи асирдан бошлаб сафавийлар сулоласи ҳукм сураётган Эронда шиалашган кубравия- заҳабия ва неъматуллоҳия тариқатлари кенг илдиз отгани ҳақида, озми-кўпми, хабардормиз.

Ҳижрий ўн иккинчи асрда Эрон диний- ақийдавий ҳаётида катта бурилиш юзага келди. “Садр улмутааҳҳилин” унвони билан шуҳрат қозонган Мулло Садро Шерозий фалсафа илми, муътазилия каломи, Ибн ал- Арабийнинг ирфоний мактаби, Шайх Суҳравардийнинг ишроқ фалсафаси шийлик йўналишининг имомия фикхий – ақийдавий мазҳаби каби турли таълимотлар қоришмасидан янги мураккаб диний, ақийдавий ва мафкуравий механизм яратишга муваффақ бўлди. Эроннинг ундан кэинги ва бугунги кундаги диний – мафкуравий ва фалсафий – ақийдавий ҳаёти ана шу қоришма таълимот доирасида айланади¹.

1. Холмўминов Ж. Нақшбандия таълимотининг Эронда ўрганилиши. // Нақшбандия, 2013 - №1. – Б.8- 15.

Хўш, бу мафкурaviй доирада нақшбандия таълимотига бўлган муносабат қандай?

Милодий XX асрнинг иккинчи ярмида Мулло Садро фалсафий – ирфоний ва каломий – ақидавiiй таълимотини ривожлантиришда катта ҳисса қўшган машҳур файласуф – илоҳиётчи олимлар - Аллома Таботабой, Мўртазо Мутаҳҳарий ва Муҳаммад Такий Жаъфарийнинг узундан – узоқ илмiiй асарлари рўйхатида нақшбандия таълимоти билан боғлиқ бирон – бир тадқиқот учрамайди. Ҳолбуки, ҳар учала алломанинг Мавлоно Жалолиддин Румий маънавий меросига муносабати ўта ижобий бўлган. Қизиғи шундаки, Румий ҳазратлари ҳам ҳанафiiя мазҳабидаги мутаффақирлардан бўлганлар ва бу нарса “Маснавийи маънавий” да ҳам уфуриб турфди. Аллома Муҳаммад Ткий эса “Маснавий” га олти жилддан иборат фалсафий – ирфоний ва филологик шарҳ ёзган. Бу шарҳ Эрон румийшунослигидаги энг катта ютуқлардан бири ҳисобланади.

Айнан шу даврда яшаб, Эронда тасаввуфшунослик мактабини Европа шарқшунослик ва исломшунослик мактабларининг тажрибалари билан бойитган йирик тасаввуфшунос ва адабиётшунос олимлар – Саид Нафисий, Қосим Ғани, Бадиуззамон Фурузонфар, ва Жамолиддин Хумоий тамонидан ҳам нақшбандия таълимотига оид алоҳида тадқиқотлар амалга оширилмади, ҳатто, бу ҳақда, умуман, ҳеч қандай фикр-мулоҳаза билдирилмади. Ўтган асрнинг 80- йилларидан бошлаб Эронда тасаввуф таълимотини ўрганишга бўлган қизиқиш яна ортди. Бу даврга келиб, Мулло Садро Шерозий издошлари – Мўртазо Мутаҳҳарий ва Аллома Таботабой бошлаб берган анъанавiiй тасаввуфшунослик мактаби билан бир қаторда Саид Нафисий бошлаб берган янги тасаввуфшунослик мактаби (қиёсий, таҳлилий, танқидий) 60 дан ортиқ рисола ва китоб, 500 га яқин илмiiй (тасаввуф, калом, ислом тарихи, фалсафа, форсий адабиёт тарихи, адабий танқид, жаҳон адабиётига оид) мақола муаллифи Абдулҳусайин Зарринқўбнинг самаралий илмiiй изланишлари натижасида янада ривож топди¹. Тасаввуф таълимотини ўрганиш ва тадқиқ этиш борасидаги янги муносабат натижасида Эронлик олимлар ҳам Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия таълимоти бўйича фикр – мулоҳаза билдира бошлашди. Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти хусусида бирон – бир муносабат билдиришдан кўра, афтидан, сукут сақлашни афзал топган Эрон илмiiй жамоатчилигининг қалами Абулҳусайин Зарринқўбнинг 1983 йили нашр этилган машҳур китобларидан бири “Дунболэ – йустужу дар тасаввуфе Ирон” (Эрон тасаввуфига оид

1. Бабаджанов Б. М. Йасавия и Накшбандийа в Мавараннахре из истории взаимоотношений (середина XV-XVI в.) // Ясауи Тағылмы. – Туркистан: Мура, 1996. – С. 75-96.

изланишлар ортидан) да Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия таълимоти ҳақида билдирилган фикр мулоҳазалари ва берилган маълумотларидан сўнг “тилга кирган”дай бўлди. натижада унча узоқ бўлмаган тарихий давр мобайнида Эрон илмий тадқиқот марказлари йирик олимлари томонидан нақшбандия таълимотини ўрганиш ва тадқиқ этиш борасида алоҳида йирик ҳажмдаги махсус тадқиқот юзага келгани ҳақидаги аниқ маълумот кўзга чалинмаса-да, мақтовага арзигулик ишлар амалга оширилди. Бу ишларни илмий қиммат, характер ва ҳажм нуқтаи назаридан қуйидаги тарзда таснифлаш мумкин:

А) Эрон олимларининг тасаввуф тарихи ва турли масалаларига бағишланган тадқиқотларидаги нақшбандия таълимоти ҳақида берилган маълумотлари ва билдирилган фикр – мулоҳазалари;

Б) Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия таълимоти ҳақида тасаввуфий истилоҳлар изоҳига бағишланган луғатларда берилган маълумотлар;

В) Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия таълимоти ҳақида турли йирик (кўп жилдлик) энциклопедик мажмуаларда берилган қимматли маълумотлар;

Г) Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия таълимоти хусусида турли илмий журналлар ва тўпламларда нашр этилган мақолалар;

Д) нақшбандия таълимотининг йирик вакиллари ҳаёти, ижоди ва ирфоний қарашлари тадқиқига бағишланган илмий рисоалар;

Е) нақшбандия таълимотининг йирик вакиллари ҳаёти, ижоди ва ирфоний қарашларига оид турли илмий журналлар ва тўпламларда нашр этирилган мақолалар;

Ё) нақшбандия таълимотида оид асл манбаларнинг илмий – танқидий нашрларини амалга оширишга қаратилган саъй – ҳаракатлар;

Ж) Эронда нашр этилган нақшбандия таълимотида оид асл манбаларга ёзилган муқаддималардаги нақшбандийлик ва унинг йирик вакиллари ҳақида берилган маълумотлар ва фикр - мулоҳазалар¹.

Эронда Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти бўйича амалга оширилган ишлар илмий қиммат ва аҳамияти жиҳатидан бир – биридан кескин фарқ қилиши мумкин. Жумладан, мавзу хусусида умумий маълумот берувчи материални Зарринқўб ё бошқа забардаст олимнинг бу ҳақдаги фикр – мулоҳаза ва хулосалари билан таққослаб бўлмайди. Чунки Зарринқўб ҳар бир фикрни манбалардан олинган далиллар билан таққослаб, таҳлил қилиб ифодалайди ва далил хулосалар чиқаради. Аммо аксар тасаввуфий истилоҳлар луғатида

1. Саидқулов Т. Марказий Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. Биринчи қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 160 б.

ёки ўқув қўлланмаси сифатида ёзилган тасаввуфга оид китобларда маълумотнинг ўзи келтирилади ва кўп ҳолларда қайси манбадан олдингани ҳам кўрсатилмайди.

Абулхусайин Зарринкўб ўзининг “Дунболэ – йэ жутужу дар тасаввуф- э Ирон” китобида неъматуллоҳия (асосчиси Шох Неъматуллоҳ Валий) тариқатига оид алоҳида бир боб ажратар экан, унинг тарқалиш жўғрофияси ва хожагон – нақшбандия таълимотига бўлган муносабати масаласига тўхталиб ўтади. Сурияда туғилиб, Макка ва Басрада таълим олган Шох Неъматуллоҳ Валий Самарқандга келиб, ўз таълимотини ёя бошлайди. Аммо Эрон ва Моварауннаҳрда катта қудрат касб этган сафавия ва нақшбандия тариқатлари туфайли унча шуҳрат қозона олмайди. Чунки унинг Самарқандда олиб бораётган фаолияти хожагон тариқатининг йирик шайхларидан бири, Амир Темур ва Хожа Нақшбанднинг пири – Саййид Амир Кулолнинг макомига путур етказиш эҳтимоли борлиги учун улуғ Соҳибқироннинг норозилигига учрайди ва бу унинг Мовароуннаҳрни тарк этиб, Ҳиндистонга йўл олишига сабаб бўлади. Зарринкўб, Неъматуллоҳ Валий Самарқандни Амир Кулол вафот этгани биланок тарк этган, деган фикрни мақуллайди. Олимнинг фикрича, Шох Неъматуллоҳнинг Мовароуннаҳрга сафари нақшбандия шайхларинини зиёрат қилиш ва улар билан яқиндан танишиш мақсадида бўлмаган. Унинг нақбандийлар билан келиша олмагани ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Кейинчалик нақшбандия таълимотининг вакилларида бири бўлмиш Абдурахмон Жомийнинг “Нфаҳот ул – унс...” да уни четлаб ўтганини сабабини ҳам шундан излаш керак.

Шох Неъматуллоҳ Валийнинг Мовароуннаҳрга келишига сабаб хусусида Зарринкўп тарихий воқеликка тўғри келмайдиган тахминни ўртага ташлайди: “Назаримизда у ғайримусилмон бўлган турк қабилалари ўртасида ислом динини ёйиш ёки ҳеч бўлмаганда шу мақсадда биров Мовароуннаҳрни айланганга ўхшайди”. Бу фикрга умуман қўшилиб бўлмайди. Чунки бу ишни ундан олдин Хожа Юсуф Ҳамадоний ва Шайх Сайфиддин Бохарзийлар аллақачон бажариб бўлган эди. Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд даврига келиб Мовароуннаҳрда яшовчи туркий халқлардан йирик шайхлар етишиб чиққан эди. Хазрат Нақшбанднинг устозларидан бири Халил Ота турк машойихидан бўлганлиги ҳам буни тасдиқлайди. Зарринкўбнинг “Нақшбанд” сўзини “қалбга нақш боғлаш” маъносида эмас, балки Хожа Баҳоуддиннинг матога нақш солиш билан боғлиқ касбига ишора тарзида таъкидлаб ўтиши ҳам унчалик мантиқли эмас. Чунки нақшбандийликдаги “зикри хафий”, яъни “Аллоҳ” сўзини қалбда нақш этишни тақозо қиладиган зикр турларидан бири ҳисобланади. “Хилват дар анжуман” қондаси эса ҳар бир зоҳирий нарсадан ботиний маъно – моҳият чиқаришга олиб келади. Демак, “нақшбанд” истилоҳини ҳам касбининг номи маъносида, ҳам “қалбга нақш этгучи ” маъносида ишлатиш мумкин бўлади.

Аммо ушбу китобда Зарринкўбнинг бугун бизнинг илмий жамоатчилигимиз учун маълум бўлган қимматли фикр – мулоҳазалари ҳам талайгина. Жумладан, у Баҳоуддин Нақшбандни хожагон тариқатининг буюк ислохатчиси ва унга маълум даражада янги усулларни кирита олган шахс сифатида юксак баҳолайди ҳамда бу тариқатнинг унинг халифалари – Хожа Алоуддин Аттор ва Хожа Муҳаммад Порсо фаолиятлари натижасида Мовароуннаҳрда ривож топганини таъкидлаб ўтади. Зарринкўбнинг, айниқса, Нақшбанд ва Ибн ал – Арабий таълимотлари ўртасидаги муносабати ҳақидаги билдирган фикрлари катта илмий аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. “Қизиғи шундаки, - деб ёзади олим – хожагон орасида шариатдан четга чиқмаслик ва суннат зоҳирига риоя этишни талаб қиладиган нақшбандия, Баҳоуддин Нақшбанддан сўнг, хусусан унинг халифалари – Хожа Муҳаммад Порсо замонидан то Хожа Убайдуллоҳ Аҳроргача булган давр мобайнида Ибн Арабийнинг “вахдату вужуддан” иборат бўлган машҳур масхаби билан қўшилиб кетди. Ўша давр яъни ўтган асрнинг 80 – йиллари нуқтаий назаридан олганда катта янгилик бўлган бу фикрда, албатта, асос бор. Аммо Зарринкўб бу ҳодисанинг қай даражада ва қай йўсинда юзага келгани ҳақида чуқуროқ мулоҳаза юритмасди, Хожа Муҳаммад Порсо ва Жомий берган маълумотлар билан кифояланади. Ҳолбуки яна бир асосий нарсани таъкидлаб ўтишга тўғри келади: нақшбандия таълимоти Ибн ал – Арабийнинг “вахдат ул - вужуд” ҳақидаги таълимотини маълум даражадаўзида сингдирди, аммо буни ўзининг фикрий – ақийдавий қатъиятларидан четга чиқмаган ҳолда амалга оширди. Натижада Нақшбандия таълимоти ирфон фалсафаси билан ўзини назарий – илмий жиҳатдан мстаҳкамлаб олди, шу билан бирга, уни нақшбандийликка мослаштиришга ҳам муваффақ бўлди¹.

Зарринкўбнинг Ҳиндистон нақшбандийлари, хусусан, Имом Раббоний номи билан тмашҳур бўлган Аҳмад Саҳиндий фаолияти вақарашлари хусусидаги фикрлари чуқур мулоҳазалар, кескин мунозаралар ва қизиқарли хулосалар билан тўлалайги жиҳатидан ҳам катта илмий аҳамият касб этади.

Аслида, авғонистонлик бўлиб, кейинчалик Эронда муҳожират қилган машҳур Ибн ал – Арабий ва Жомий меросини пухта ўрганган олим – Нажиб Моил Ҳиравийнинг Жомий ҳаёти, ижоди ватасавуф доирасидаги фаолиятига бағишланган қимматли тадқиқотида ҳам Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, нақшбандия ва бу таълимотнинг йирик вакиллари ҳаёти ва қарашлари хусусида гоҳ қисқа, гоҳида муфассал тарзда фикр юритилади. Моил Ҳиравий ўз тадқиқотида, асосан, нақшбандийлик таълимотининг Жомий яшаган йиллардаги вазиятга эътибор қаратади ва бу даврдаги нақшбандийликнинг

1. Холмўминов Ж. Нақшбандия таълимотининг Эронда ўрганилиши. // Нақшбандия, 2013 - №1. – Б.8- 15.

асосий хусусиятини унинг сиёсий доиралар ва саройларга кириб боришида деб билади. Унингча, бу давр нақшбандийларнинг ҳукумат доираларига кириб бориш истаги натижасида нақшбандия таълимоти салафлар – хожагон тариқати пирлари ва Баҳоуддин Нақшбанд бошлаб берган йўлдан чекилди.

Моил Ҳиравий нақшбандия таълимотининг ҳижрий тўққизинчи аср, яъни Жомий давридаги улуғ пешвоси – Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийнинг сиёсий масалаларга аралашуви ва темурий шахзодаларга таъсир етказганини, нақшбандия тариқати тарихида бошланган янги босқич, деб баҳолайди. Муаллиф Хожа Аҳрор Валий ва Саъдиддин Қошғарий каби нақшбандий шайхларнинг ҳаёти ва қарашлари ҳақидаги хулосалари, Жомийнинг нақшбандия тариқатига илмий – назарий руҳ бағишлагани хусусидаги кузатишлари илмийлиги ва мантикийлиги билан бошқа эронлик тадқиқотчилардан фарқланиб туради. Умуман олганда, ушбу тадқиқотни Эронда нақшбандия таълимотининг йирик вакиллари ҳаёти ва ирфоний қарашлари тадқиқига бағишланган энг қимматли илмий рисоалардан бири сифатида эътироф этиш мумкин.

Эролик олимлар орасида нақшбандия таълимотигагина хос бўлган қоидаларни умуминсоний – умумирфоний меъёрлар билан боғлаш ҳам учрайди. Бу нодир ҳолатни Ҳусайин Ансорийнинг муаллифи ҳалигача аниқланмаган, тасавуф таълимотининг сайру сулук масаласига бағишланган асари – “Мисбоҳ уш – шариа ва мифтоҳ ул - ҳақиқа”га ёзган “Эрфон-э эсломий” деган ирфоний шарҳида яққол кузатиш мумкин. Ҳусайин Ансориён “Мисбоҳ уш – шариа ва мифтоҳ ул - ҳақиқа” ни (бу китобга қўб шарҳлар ёзилган, аммо Ансориён улардан қолишмаганлигига ишора қилиб ўтади) катта ихлос ва муҳаббат билан шарҳлаган. Бу унинг китобга ёзган сўзбошисидан ҳам сезилиб туради. Шерҳловчи асарда келтирилган ривоятларнинг Имом Жаъфар Содиқдан нақл қилингани ва Малакий Табрезий каби шиа уламолари бу китобдан истинод этганликларини далил қилиб келтириб, уни мўътабар бир асар сифатида баҳолашга интилади. Аммо баъзи бир шиа уламолари бу ҳақда бир нарса дейдан ўзларин тийганликлари ва нақшбандия таълимотидаги “усули ёздаҳгона”си (ўн бир усул) муайян тартибда баён этилгани инобатга олинса, китоб ҳанафий масхабидаги ориф шахс томонидан ёзилган, деган тахмин ҳам келиб чиқади. Юз фасилдан иборат бўлган ушбу асар шарҳининг биринчи жилдида “Орифларнинг яшаш усули” сарлавҳали кичик бир фасл бор. Яна шу ерда “Усули ёздаҳгона” – “Ҳуш дар дам”, “Назар бар қадам”, “Савр дар ватан”, “Хилват дар анжуман”, “Ёдгард”, “Бозгашт”, “Нигоҳдош”, “Ёддошт”, “Вукуфи ададий”, “Вукуфи замоний” ва “Вукуфи қалбий” қоидалари қисқача, аммо ажойиб тарзда шарҳланади. Китобда бу ўн бир усул умумий тарзда пайғамбарлар, имомлар ва авлиёларга нисбат берилса-да, усулларни баён этиш жараёнида Баҳоуддин Нақшбанд, Саъдиддин Қошғарий, Фаҳриддин Кошифий,

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва Хожа Муҳакмад Порсонинг сўзлари далил сифатида келтирилади. Усулларни баён этишда Қуёни карим оятлари ва араб тилидаги муаллифлари номаълум ҳикматли сўзлардан ҳам фойдаланилган. Масалан, “Сафар дар ватан” шарҳида: Сафар ус- солики мин олам ил-халқи ила жаниб илд- Ҳаққ. Ва мин ҳолин ила ҳолин аҳсану минху ав мин мақомин ила мақомин аъла минху, - сўзлари келтирилади¹.

Бизнингча, ушбу асарнинг асл муаллифи ва қачон ёзилгани ҳамда унга битилган шарҳларни қиёсий ўрганиб чиқиш имомия масхаби ва нақшбандия таълимоти ўртасидаги муносабатларни янгича тарзда баҳолашда катта ёрдам бериши мумкин.

Гоҳида эронлик олимларнинг тасавуф тарихига оид китобларида хожагон – нақшбандия тариқати вакиллари эронлик орифлар қаторида зикр этиб ўтиш ҳоллари ҳам кузатилади. Жумладан, ислом тарихи бўйича йирик мутахассис Абдуррафеъ Ҳақиқатнинг “Тоърих-э эрфон ва орефрон-э ирони” (Ирфонива Эрон орифлари тарихи) деган катта ҳажмдаги китобида Хожа Юсуф Ҳамадонийдан сўнг Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний, Хожа Али Ромитоний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Алоуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Садиддин Қошғарий, Мовлоно Низомиддин Хомуш, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва Абдурахмон Жомий ҳақида ҳам биографик маълумотлар берилади.

Қосим Ансорий эса ўзининг “Ирфон ва тасаввуф асослари” деган китобида Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдурахмон Жомийнинг машҳур орифлар сифатида тилга олади ва улар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтади. Эронлик машҳур тасаввуфшунос олим Маҳмуд Обидий эса Жомийнинг “Нафоҳот ул-унс...” асарининг илмий – танқидий матни нашрига ёзган сўзбошисида Жомийнинг нақшбандия таълимотидаги ўрни ҳамда Садиддин Қошғарий ва Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорга бўлган муносабати ҳақида қисқача тўхталиб ўтади, аммо нақшбандия таълимоти ва сайру сулук хусусида ҳеч қандай фикр билдирмайди. Муҳаммад Порсонинг “Фасл ул - хитоб” деган машҳур асарининг илмий танқидий матни нашрини амалга оширган Жалил Мискарнажод, бошқа тадқиқотчилардан фаркли ўлароқ, ёзган муфассал муқаддимасида асарнинг тили, услуби ва қўлёзма нусхасининг хусусиятлари ҳақида фикр юритишдан олдин Хожа Муҳаммад Порсо ҳаёти, фаолияти, илмий – ирфоний мероси, унинг хожагон – нақшбандия тариқатидаги ўрни ва бу таълимотдаги “усули ёздаҳгона” (ўн бир усул) хусусида ҳам тўхталиб ўтади.

Муаллифнинг, айниқса, “усули ёздаҳгона” ҳақидаги мулоҳазалари қизиқарлилиги билан ажралиб туради. “Бу бирламчи усуллар ва бошланғич сўзлар хожагон тариқатининг,

1. Исомий Ҳ. Ипор ҳид ила туғилган ориф (Хожа Баҳоуддин Нақшбанд). – Тошкент: Мовароуннахр, 1995. – 39 б.

бир томондан, фикҳий ва каломий (ақидавий) мактаблар қаршисида, иккинчи томондан, тасаввуф таълимотининг барча тариқатлари муқобилида мустақил бир тариқатсифатида шакилланганидан дарак беради” деб ёзади у. Унингча нақшбандиядаги бу ўн бир қонидани Нажмиддин Қуброга мансуб бўлган Ўн усул билан таққослаш лозим. Юқоридаги ўн усулни Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг “Сад майдон” ёки “Манозил ус – сойирин” асари ёки сўфийларнинг бошқа китобларида ҳам учратиш мумкин¹.

Аммо нақшбандиядаги ўн бир усул форсийда баён этилгани сабабли бошқа тариқатлардаги атамалардан тубдан фарқ қилади. Ундаги номланишлардан биронтасини ҳам арабча истилоҳ билан алмаштириб бўлмайди. Бундан ташқари, нақшбандия тариқатининг улуғ мутафаккирлари айтган ва ёзган изоҳларни ҳам бошқа тариқатлардаги фикрий йўналишлар билан бир хил баҳолаб бўлмайди. Сўзбоши муаллифининг нақшбандиёна истилоҳлардан фойдаланиш ва уларни шарҳлаш масаласига оид кузатишлари ҳам катта аҳамиятга эга. Сўфийларга хос истилоҳлар, гарчи умумий тарзда тасаввуфий ёки ирфоний истилоҳлар деб юритилсада, ўзига хосликлари билан ажралиб туради. Буни ихтилоф деб аташ ножоиз албатта. Аммо тасаввуф истилоҳшунослигидаги бу ўзига хослик ҳар бир тариқатнинг ахлоқий – маънавий ттабиатидан, улардаги ўзига хос сайру сулук одобидан келиб чиқади. Бу нарса ҳисобга олинмаса, хато ва камчиликларга йўл қўйиш мумкин. Жумладан, Фахриддин Али Сафий “Рашоҳот айн ул - ҳаёт”да “усули ёздаҳгона”ни шарҳлашда чалкашиб кетади. Чунки уларни изоҳлашда кейинги авлод сўзлари ва бошқа тариқатларнинг китобларидан фойдаланади.

Бироқ Жомий “Нафаҳот ул – унс...”да тўғри йўл тутати: усулларни Баҳоуддин Нақшбанд сўзлари билан изоҳлайди. Эронлик адабиётшунос олим Иброҳим Худоёр ўзининг “Мовароуннаҳрдаги ирфоний ва форсий шеърят мероси” мақоласида марказий Осиё ҳудудида вужудга келиб, шакилланган ва мавжуд бўлган тариқатлар – ҳакимия, кубравия, яссавия ҳақида қисқача маълумот берар экан, нақшбандия тариқати атрофида алоҳида тўхталиб ўтади. И.Худоёрни кўпроқ Марказий Осиё халқларининг Баҳоуддин Нақшбанд культига меҳр – муҳаббати ва ихлоси масаласи қизиқтирган. Мақола муаллифи Эрон илмий жамоатчилиги учун янгилик бўлган фикрларни билдиришга интилади ва бунинг учун мавзунини охирига юз йилда рўй берган воқеалар билан боғлашни асосий восита қилиб олади².

Сўнгги йилларда нафақат Эрон, жаҳон нақшбандияшунослигида катта ютуқлардан бири сифатида кўрсатилиши керак бўлган воқеалар оз эмас. Бир нача йил олдин таниқли

1. Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 208 б.

1. Холмўминов Ж. Нақшбандия таълимотининг Эронда ўрганилиши. // Нақшбандия, 2013 - №1. – Б.8- 15.

олим Ориф Навшоҳий томонидан нашрга тайёрланган “Аҳвол ва суҳанони Хожа Убайдуллоҳи Аҳрор” китобининг чоп этилиши ҳам ана шундай муҳим илмий воқеалар сирасига киради. Хожа Аҳрор ҳаёти ва сўзлари ҳақида ҳикоя қилувчи тўртта рисолаи ўз ичига оладиган бу китобнинг муқаддима қисмида О.Навшоҳий Хожа Аҳрор Валий ҳақида кенг маълумот бериб ўтади. Ўзбек олими академик Б.Валихўжаев қаламига мансуб “Хожа Аҳрор Валий” рисоласининг Эронда форс тилида нашр этилишини ҳам шу соҳадаги ютуқлардан бири сифатида тилга олиб ўтиш мумкин.

Сўнгги ўн йил давомида Эронда нашр этиб келинаётган йирик ҳажмдаги қатор энциклопедияларда Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, нақшбандия тарихи ва сайру сулук одоби, Алоуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо, Ёқуб Чарҳий, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Саъиддин Кошғарий ва Мавлоно Абдурахмон Жомий каби нақшбандия таълимотининг йирик вакиллари ҳаёти, фаолияти ва ирфоний қарашлари ҳақида нисбатан мукаммал маълумот берувчи мақолаларнинг ўрин олишини бу соҳадаги катта ютуқлардан бири сифатида қайд этиб ўтишга тўғри келади. Жумладан, юзга яқин жилдда нашр этилиши эҳтимоли бўлган “Дойэрат ул-маъорэф-э бузруг-э эсломи” (“Ислом буюк энциклопедияси”)нинг 13-жилдида (мазкур энциклопедия эронлик машҳур олим Қосим Мусавий Бужнурдий таҳрири остида нашр этилмоқда) Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, фаолияти ва таълимоти ҳақида муфассал маълумот берувчи мақола ўрин олган. Эронлик олим Муҳаммад Каримий Занжоний қаламига мансуб бўлган бу мақола ана шу маълумотларга таянган ҳолда ёзилган. Муаллифнинг кўпроқ энг мўътабар манбалар – Хожа Муҳаммад Порсонинг “Қудсия”, Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс...”, Салоҳ ибн Муборакнинг “Анис ут-толибин”, Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ул-ҳаёт”ига мурожаат этгани мақоланинг тарихий воқеликка асосланиб ёзилишини таъминлаган. Муаллиф Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти (туғилиши, таълим олиши, пир ва устозлари, “Нақшбанд” сўзининг маънолари, асарлари, таълимоти, халифалари ва издошлари, вафоти) билан боғлиқ лавҳаларни мўъжаз, аммо етарли даражада тўғри ва ҳаққоний ёритиб берган¹.

Ушбу мақолада ҳам кўпгина эронлик тадқиқотчиларнинг услубига хос бўлган ҳолат-аҳли сунна ва-л жамоа мутасаввифларива мутафаккирларини шиа имомлари билан боғлаш, ҳеч бўлмаганда, уларнинг аҳли байтга бўлган муносабатларини аниқлаш ҳолатини кузатиш мумкин. Мақола муаллифи, жумладан, шундай деб ёзади: “Баҳоуддин ҳанафий мазҳаб эди ва шиа имомларига ҳам ихлос билан қарарди. Манбалардан унинг шайхларини, бир томондан, икки йўл-Имом Ризо ва Хасан Басрий орқали Ҳазрати Алига етказсалар, иккинчи томондан, ушбу силсилани Имом Жаъфар Содиқ ва унинг она

1. Холмўминов Ж. Нақшбандия таълимотининг Эронда ўрганилиши. // Нақшбандия, 2013 - №1. – Б.8- 15.

томондан бобоси – Қосим ибн Муҳаммад орқали биринчи халифа – Абу Бакр билан боғлайдилар”. Муаллиф бу ўринда руҳоний нисбат кўзда тутилаётганини қуйидагича изоҳлайди: “Бунга қўшимча ҳолда, юқорида зикр этилган нарсанинг Хожа Абдулҳолик Гиждувоний, Увайс Қараний ва Муҳаммад ибн Али Хаким Термизийларга ҳам руҳоний нисбати борлигини кўзда тутиб, уни “увайсий” деб атаганлар”. Муаллиф нақшбандия тариқатининг бошқа тариқатлардан асосий фарқи-шариат ва суннатга қаттиқ боғлиқлигини, Баҳоуддин Нақшбанднинг сўфийлардаги баъзи бир қоидалар-зикри жалий, хилват (тарки дунё) ва самоъга салбий муносабатда бўлганини тўғри изоҳлаб беради, унга суннага қайтиш учун қилган саъй-ҳаракатлари учун ҳам “ҳижрий 8-асрнинг мужаддиди” деб ном берилганини таъкидлайди. Унингча, айнан ана шунинг учун ҳам нақшбандия таълимоти катта жўғрофий ҳудудларга ёйилди ва сунний мазҳаб ҳукуматларнинг ҳимояси остида равнақ топди.

Эронда нашр этила бошлаган иккинчи туркум ислом энциклопедияси "Ислом олами энциклопедияси"нинг 4-жилдида ҳам Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, фаолияти ва таълимотига оид мақола ўрин олган. Эронлик олим Акбар Субутий томонидан ёзилган ушбу мақоланинг услуби бир оз фарқ қилсада, мазмун ва тақдим этадиган маълумотлари - юқорида кўрсатиб ўтилган мақоланинг мазмун-моҳияти билан тахминан бир хил. Мақола муаллифи Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг Ҳазрати Али авлодига мансублиги ҳақидаги фикрнинг нотўғрилигини (ўн уч восита орқали Имом Ҳасан Аскарининг ўғли - Али Акбар авлодидан эканлиги, аммо Имом Ҳасаннинг бундай номдаги фарзанди бўлмаганлигини) таъкидлайди. Аммо сўфиёна (руҳоний) нисбат орқали шиа имомларига боғланишини эслатиб ўтади.

Ҳажм жиҳатидан қисқа, аммо қимматли маълумотларга бой ушбу мақолада муаллиф машҳур можаз сайёҳи Вамбери берган маълумотларга та-яниб, Баҳоуддин Нақшбанднинг кўпгина қароматлар соҳиби бўлгани, бу қароматлар, ҳатто, унинг вафотидан кейин ҳам давом этгани, шунингдек, бу улуғ зот етти ойлигида дунёга келгани ва етти ёшлигида Қуръони қаримни ёд олгани сабабли етти рақамга алоҳида ҳурмат билан қараганини таъкидлаб ўтади.

"Ислом олами энциклопедияси" Баҳоуддин Нақшбанд, умуман, нақшбандия таълимотига қайта-қайта мурожаат этиши ва натижада ушбу мавзунинг кенг ва атрофлича ёритилиши билан ҳам диққатга сазовор бир мажмуа саналади. Жумладан, ушбу мажмуанинг 7- жилдида "Тасаввуф" деган мақолалар туркуми жой олган. Мазкур туркум 14 та мустақил мақоладан таркиб топганлиги ва ҳар бир мақола алоҳида бир муаллиф қаламига мансублиги жиҳатидан ҳам катта илмий аҳамиятга молик. Ушбу туркумнинг 4-мақоласи "Марказий Осиё ва Кавказдаги тасаввуф" деб номланган бўлиб, эронлик Афсона

Мунфарид томонидан ёзилган. Олиманинг фикрича, тасаввуф Хуросон ва Мовароуннаҳр ўртасида кўприк вазифасини ўтаган хуросонлик улуғ шайхлар орқали Хуросоннинг шимолий ҳудудлари ва Мовароуннаҳрга кириб келган. Муаллиф Бухоронинг Мовароуннаҳр тасаввуфининг ўша даврдаги муҳим марказларидан бирига айланганини тўғри таъкидлаб ўтади, аммо "Бухоро" ва "Мовароуннаҳр" тушунчаларини чалкаштирганидан бўлса керак, Абу Туроб Нахшабий, Абу Бакр Варроқ Термизий, Азизиддин Насафий, Бурҳониддин Мухаққиқ Термизий, Саъ-идиддин Фарғоний каби Мовароуннаҳрнинг турли шаҳар ва минтақаларидан бўлган улуғ орифларни ҳам, Бухорода туғилган, деб ҳисоблайди. Унингча, Мовароуннаҳр тасаввуфи, Ҳиндистондан ташқари, Хитой (Син Киёнг) ва Кавказ(Доғистон)га ҳам йўл топди ва Кичик Осиё(Онадўли)да "Бектошия" тариқатининг вужудга келиши учун шароит яратиб берди¹.

Агар бу нуқтаи назарни, нақшбандия таълимоти ва маълум маънода кубравия тариқатига таалукли, деб ҳисобласак, муаллифнинг фикрига кўшилишдан ўзга чора қолмайди. Афсона Мунфарид Мовароуннаҳр тасаввуфи турли минтақаларга кириб бориб, ўзига хос жиҳатлар, яъни ўша минтақага хос ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий хусусиятларни касб этганини ҳам тўғри таъкидлаб ўтади. Жумладан, Самарқанд, Бухоро ва Хоразмда ҳунармандлар ва косиблар орасида кенг тарқалган тасаввуфдан фарқли ўлароқ, Кавказ, айниқса, Доғистонда Россия мустамлакачилик сиёсатига қарши озодлик ҳаракати сифатида майдонга келди.

Афсона Мунфарид нақшбандия таълимотини Мовароуннаҳрда шаклланган ва ривожланган тасаввуфий силсилаларнинг энг асосийси сифатида эътироф этар экан, хожагон тариқатининг улуғлари, айниқса, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг издошлари ҳақида қимматли маълумотлар беради. Бу маълумотлар, умуман олганда, ўзбек тасаввуфшуносларининг рисола ва мақолаларида берилган маълумотлар ва мулоҳазаларни такрор-ласада, муаллифнинг масалага, манбаларга таяниб, ҳолисона ва ҳаққоний ёндашгани ва нақшбандия таълимотининг йирик вакиллари (жумладан, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий) фаолиятига тўғри баҳо бергани жиҳатидан ҳам диққатга сазовор. Муаллиф Жўйборий хожалар, Даҳбедий шайхлар, нақшбандийларнинг Марказий Осиёдаги озодлик учун курашлари ҳақида ҳам қисқача, аммо қимматли маълумотлар бериб ўтади. Афсона Мунфарид Кавказ, Шимолий Кавказ ва Марказий Осиё нақшбандийларининг рус мустамлакачилик сиёсатига қарши курашлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтар экан, бу озодлик ҳаракатларининг XVIII аср охирлари ва XX аср бошларидаги манзарасини

1.Идрис Шох. Нақшбандий тариқати / Ўзбек тилига Ваҳоб Рўзиматов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1993. – 62 б.

тарихий далиллар, саналар ва воқеа-ходисалар асосида ўзаро алоқадорликда тасвирлаб беради, уларни тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан таҳлил этади.

Муаллифнинг айниқса, шўро тарихнавислигида "босмачилик ҳаракати" деб таърифланган Шермухаммадбек (Кўр Шермат) ва Жунайдохонларни ҳам нақшбандийлар сифатида тилга олиб, улар олиб борган курашларни нақшбандийликнинг большевикларга қарши кураши сифатида талқин этиши нақшбандийлик таълимотининг сўнгги асрлардаги тақдирига оид тасаввурларимизни янада бойитиши - табиий. Афсона Мунфарид мақоласига нақшбандия таълимотининг собиқ Иттифокнинг парчаланишидан кейинги тақдири ҳақидаги мулоҳазалар билан яқун ясар экан, мустақил Ўзбекистонда кечаётган маънавий ислохотлар, айниқса, мамлакатимизда тасаввуф таълимотига бўлган қизиқишга юксак баҳо бериб ўтади. Унинг кузатишича, "Ўзбекистон Республикаси барча мамлакатлардан кўпроқ тасаввуфни тиклашга киришди ва ўз сиёсатида ҳам тасаввуф адабий анъаналарини тиклашни олтин мероснинг асосий ва муҳим омили сифатида қайд этиб ўтди"¹.

"Ислом олами энциклопедияси"нинг 7-жилдидан ўрин олган "Ҳиндистон ярим оролида тасаввуф" мақоласининг ҳам асосий қисми нақшбандия таълимоти билан боғлиқ масалаларга бағишланган. Ҳужжатуллоҳ Жавоний қаламига мансуб бу мақолада тасаввуф таълимотининг бир қанча силсилалари - чиштия, суҳравардия, кубравия, фирдавсия, қаландария, мадория, шаттория, неъматуллоҳия, кодирия ва ниҳоят нақшбандия ва шохаларининг Ҳиндистонга кириб бориши ва тарқалиши масаласи атрофида ёритилади. Акбаршоҳ ҳукмронлиги даврида илк нақшбандий шайх Боқибиллоҳ ва унинг "Мужаддиди алфи соний" лақаби билан машҳур бўлган муриди - Аҳмад Сарҳиндий асос солган хинд нақшбандийлиги (боқия, мужаддидия, айдрасия, мазҳария, ахсания, алоия, муҳаммадия...) нақшбандия таълимотининг ватани - Бухоро (Марказий Осиё), ҳатто, бошқа минтакалардаги нақшбандийликдан бир оз фарқ қилади. Муаллиф ана шу нуқталарга ҳам эътибор қаратгани ҳолда, жумладан, шундай дейди: "Аҳмад Сарҳиндий... суннатга қаттиқ риоя қиларди ва тасаввуф билан кашфий илмларни Китоб (Қуръон) ва Суннатга мувофиқ бўлган ҳолдагина мақбул топарди. У ўз издошларини суннатга қатъий амал қилиш ва бидъатга қарши курашишга даъват этарди. У Ибн ал-Арабийнинг "Ваҳдат ул-вужуд" назариясига муҳолиф бўлгани ҳолда, баъзи бир шайхларнинг валоятини нубувватдан юқори қўйишларини, шариатга ҳилоф, деб ҳисобларди. Аммо, айтишларича, умрининг сўнгида Ибн Арабий назариясини қабул қилган. У ўша даврдаги машҳур сиёсий шахслар билан хатлар ёзишиб, сарой задагонларини Ҳинд темурийларининг бошқарув усулига

1.Бобохонов Ш., Мансуров А. Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1993. – 128 б.

қарши қўйишга эришди. Бу даврда нақшбандия шайхлари ислом эътиқодни ҳинд эътиқодидан ажратиш мақсадида ҳинд динлари эътиқодига яқин бўлган "Ваҳдати вуҷуд" муқобилида "Ваҳдати шухуд " назариясини тарғиб этардилар". Шунга қарамастан, Ҳиндистондаги баъзи бир нақшбандий шайхлар, жумладан, машҳур нақшбандий сўфий ва шоир – Муҳаммад Шамсиддин Ҳабибуллоҳ Жони Жонон Ҳиндий ақидалар таъсири остида қолганлиги ҳам сир эмас. Ушбу жилднинг "Хитойда тасаввуф" ва "Кичик Осиё ва Балқонда тасаввуф" деган мақолаларида ҳам нақшбандия таълимотининг ушбу минтақалардаги вазияти ҳақида сўз боради¹.

Умуман олганда, Эрондаги ислом тарихига ихтисослашган энциклопедияларда тасаввуф таълимоти, айниқса, нақшбандия тариқати ва унинг йирик вакиллари ҳаёти, фаолияти ва қарашларига алоҳида ўрин ажратилган. Бундан ташқари, турли мавзулар ва ҳар хил муносабатлар билан ҳам нақшбандия таълимотига оид маълумотларга дуч келиш мумкин.

Ҳозирги пайтда Эронда тасаввуфни ўрганиш ва тадқиқ этишга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Охирги ўн йил ичида Мавлоно Жало-лиддин Румий ҳаёти, адабий-илмий мероси ва қарашларига оид нашр этилган тўқсонга яқин йирик тадқиқот, Ибн ал-Арабий таълимотига оид саксондан ортиқ рисола, нақшбандия таълимотига оид элликдан ортиқ тарихий, илмий ва адабий манба бунга яққол мисол бўла олади. Бунинг асл сабаби - салкам бир мингу икки юз йиллик тарихга эга бўлган форс-тожик адабиётининг тасаввуфий ғоялар, мавзулар, рамз ва тимсоллар билан суғорилгани, улар билан уйғун ва муштарак ҳолда ривож топганида. Нақшбандия таълимотига оид муҳим манбаларнинг жадал суръатлар билан нашр этилиши эса яқин келажакда Эронда нақшбандийшунослик бундан ҳам кўпроқ ривожланишидан дарак беради.

¹ Холмўминов Ж. Нақшбандия таълимотининг Эронда ўрганилиши. // Нақшбандия, 2013 - №1. – Б.8- 15.

Хулоса

Ўн иккинчи ва ўн бешинчи асрларда Ўрта Осиё халқлари орасидан Шарқ ирфоний тафаккури тараққиётига улкан ҳисса қўшган бир тизим мутафаккир мутасаввуфлар етишиб чикди. Исломиий аҳкомлар ўчоғи Бухородан етишиб чикқан Баҳовуддин Нақшбанд ана шундай сиймолардандир. У 1318 йили Бухоро яқинидаги «Қасри Ҳиндувон» (кейинчалик у олим шарафига «Қасри Орифон» деб атала бошлаган) кишлоғида ҳунарманд оиласида дунёга келган. Унинг ҳаёти ҳақида шогирди Муҳаммад Порсонинг «Қудсия», «Мақомоти ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд», Абдурахмон Жомийнинг «Нафахртул-унс», Саййид Шарифнинг «Тарихи Роқимий», Амир Ҳамзанинг «Мақомоти Амир Сай-йид Кулол», Муборак ал-Бухорийнинг «Анисул-толибин ва уддатус-соликин», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футуватнома», Сайфиддин Али Сафийнинг «Рашахот-ул-айн-ул ҳаёт» асарларида қимматли далил ва маълумотлар мавжуд. Ана шу манбалар асосида тадқиқот олиб борган Е. Э. Бертельс, С. Олимов, А. Афсаҳзод, Х. Мирзозода, В. Зоҳидов, И. Муминов, А. Муҳаммадқулов, О. Усмонов, А. Хайитметов ҳамда Н. Комилов сингари олимлар бу буюк шайх ҳамда файласунинг тўла биографиясини яратишга қисман эришишган.

Шу илмий хулосаларга қараганда туғма зийрак ва зукко бўлган Баҳовуддинни ёшлигиданоқ дастлаб Хўжа Муҳаммад Самосий тарбиялай бошлади. Зеро, бир неча йил бурун «Қасри ҳиндувон»да бўлган Самосий яқин ораликда мана шу қишлоқда буюк бир шахс дунёга келишини башорат қилган эди. Унинг вафотидан сунг эса, Баҳовуддиннинг тарбияси билан ўша даврнинг машҳур мутасаввуфи Амир Саййид Кулол шуғулланади. Ана шу Саййид Амир Кулол Амир Темурнинг ҳам пири бўлган. Бу ҳақда «Темур тузуклари»да ҳам ишорат бор. Кейинроқ эса Абдулҳолиқ Ғиждувонийдан са-боқ олади. Олимнинг отаси Саййид Жалолиддин, онаси Биби Орифа бўлган.

Маълумки, Аҳмад Яссавий Бухоро мадрасаларини хатм этгач, устози Юсуф Ҳамадоний ўрнида мударрислик қилган. Ўша кезларда Саййид Кулол билан Абдулҳолиқ Ғиждувоний Аҳмад Яссавийдан таълим олишган. Демак, Баҳовуддин Нақшбанд бевосита Яссавий шогирдларидан ҳисобланади. У етти яшарлигида «Қуръони карим»ни тўла ёдлаб, хуш овози билан қироат қилган¹.

Ўн бир яшар Баҳовуддинни Саййид Кулол ўзи билан Қаршига элтади. У бу ерда кўп китоб ўқийди, сўфизм назариясини пухта эгаллайди; устозларидан «махфий зикр»

1. Насафий. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. – Т., 1993.

қоидаларини ўзлаштиради; орифлик шартларини ўрганади; 17 яшарлигида уйланади. Аммо Абу Мухсин Мухаммад Бакир ибни Мухаммад Алининг «Мақомоти ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд» китобида нақл этилишича, Саййид Амир Кулолдан дарс олиши тугагач, амакиси Баҳовуддинни Самарқандга элтади ва машхур дарвешлар ҳузурига қўйиб, улардан таълим олдиртиради. Кунлардан бир кун Баҳовуддиннинг тушига ҳазрати Ҳизр кириб «агар сен ҳақиқий суфи бўлишни истасанг, хотининг билан алоқани узишинг керак» дейди. Шундан сўнг Баҳовуддин оиласи билан ажрашади. Умуман, унинг камолотида «ғойибдан нидо», «хуфя зикр» пайтида кўз олдига пайғамбар, Сулаймон Ҳаким Ота, Ҳизр, Иброҳим Адҳам, машхур авлиёларнинг келиши, башорати, ўзининг ногихоний руҳий қудратга эга эканлигини сезиши муҳим омилларидан бўлган. Ўтмишда яшаган буюк мутасаввуфларнинг ҳаётида Ҳизр башорати муҳим ўрин тутган.

Гарчи Баҳовуддин оиладан воз кечган бўлса ҳам, ўзининг қатъий ақидасини «даст ба кору дил ба ёрдан» келиб чиқиб, деҳқончилик билан шуғулланган, отасининг ёнида туриб дастгоҳда гулли ҳарирлар тўқиган, мисга гулнақш тушириш билан шуғулланган. Унинг лақаби — Нақшбанд ҳам мисгарлигидан олинган. Баъзи тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Баҳовуддин бир оз вақт шогирди Халил Султон ёки Қазон Султон даргоҳида яшаган ва унинг бой китобхонасидан фойдаланган, айрим масалаларда Султонга раҳнамолик қилиб турган.

Бухорога қайтиб келгач, олим шогирдлари Мухаммад Порсо ва Алоуддин Аттор билан бирга Хуросон, Эрон ҳамда Ироқ орқали Ҳажга жўнайди. Улар йўлда Балх, Марв, Ҳирот, Нишопур, Бағдод ва Дамаск каби ўнлаб шаҳарларда бўладилар: Юсуф Ҳамадоний, Боязид Бистомий, Жунайд Бағдодий, Мансури Халлож, Абу Абдулло Мағрибий сингари машхур суфи-машойихлар, Марв суфизм таълимотининг алломалари мақбараларини зиёрат қилади: «анал ҳақ» ижодкорига катта ҳурмат курсатади.

Машхур тасаввуф донишманди, Бағдодда мадраса қурдириб, ўн йил давомида 13 фандан дарс айтган Абдулқодир Гелоний — Ғавсул Аъзам (XII аср) Баҳовуддин Нақшбанд ҳамда шогирди Мухаммад Порсога «Мансур қалбида ишқ оташининг алангаси бор эди. Гирдатрофдагилар ана шу шуълани кўра олмай, уни дастгирлик этмади. Мен ўшанда Халлож ёнида бўлганимда, уни қўллаб-қувватлардим» деган экан. Бу эса Нақшбанднинг «Худо билан қалбан бирга бўлмоғ лозим» деган фикри билан ғоятда мутаносибдир¹.

Ўн йилдан сўнг улар Бухорога қайтишади. Бундан кейинги барча ҳаётини Баҳовуддин Нақшбанд Худо йўлига хизмат қилишга: муридлару шогирдларга дарс айтиш,

1. Султон И. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. – Тошкент: Фан, 1994. –87 б.

амри маъруф ўтказиш, уларга «зикри хуфя» қоидаларини сингдириш, кўпроқ дарвешлар даврасида бўлишга интилди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Муҳаммад Порсо ва Алоуддин Атгорлар унинг нутқлари, ҳикматли сўзларини ёзиб, тўплаб юрган. Ўтмишда яратилган «Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд мақомотлари»га кирган барча гаплар, устознинг фикрлари, унинг даҳоси хусусидаги кўплаб маҳобатли афсоналар ана шу манбалардан олинган ёки уларга суяниб ёзилган.

Ҳазрати Баҳовуддин касалланиб қолгач, умри охирига етаётганини сезиб, Бухоро четидаги бир карвонсаройга бориб ўрнашган. Кўплаб шогирдлар, дарвешлар қуршовида бир неча кун яшаб, 1389 йилнинг март ойида оламдан ўтган. У ўзигача ўтган барча сўфи, машойихлар таълимотини пухта эгаллади ва соҳада ўзича қуйидаги йуналишни белгилади: таълимотининг асосини жавонмардлик — барча инсонларга яхшилик қилиш, ортиқча мол-дунёга ружу қўймаслик, ўз қўл кучи, қўз нури эвазига кун кечириш, бировларнинг дардига малҳам бўлиш, иложи борича қулга киритилган ноннинг ярмини бир муҳтожга бериш, дилозор булмаслик, фарз ва суннатларни бировга кўрсатиш учун ёки бошқалар ижро этаётгани учун эмас, балки қалбдан хуфя бажариш ташкил этган. У асосан турли касб эгалари давраларида, усталар расталари, гузарларда, карвонсаройларда фаолият кўрсатган. Бунда ўн бир шарт дастур сифатида қўлланилган:

1. Хуш дар дам, яъни шу тариқат аъзоси — солиқ Худо шарафига қилинадиган хуфя зикр пайтида хушҳол ва хушчақчақ юрмоғи лозим.
2. Назар дар қадам, яъни солиқ ҳамиша хушёр булиб, паришон хотирликка йўл қўймаслиги зарур.
3. Сафар дар ватан, яъни юксак ахлоқ соҳиби бўлган солиқ атроф-муҳит бағрида кезиб юрсин, юрт кўрсин, одамлар орасида бўлсин.
4. Хилват дар анжуман, яъни солиқ зоҳиран халқ билан, ботинан Холиқ билан бўлсин.
5. Ёд кард, яъни солиқ Худо ёди билан яшамоғи, зикрга ғарқ бўлмоғи зарур.
6. Бозгашт, яъни солиқ ҳамиша Худо ишқида ботинан муножот айтиб юрмоғи даркор.
7. Нигоҳ дошт, яъни солиқ ҳаёлини бир жойга йиғиб, хотиржам юрмоғи лозим.
8. Ёддошт, яъни солиқ ваҳдати вужуд таълимотини билмоғи керак.
9. Вуқуфи замон, яъни солиқ ҳамиша ўз вақтини ҳисоблаб юриши, унинг қанчаси яхшиликка, қанчаси ёмонликка кетганини билиб туриши зарур.
10. Вуқуфи адад, яъни солиқ ҳамиша ўзининг ягоналигини, анҳолигини назарда тутмоғи керак.
11. Вуқуфи қалб, яъни солиқ хуфя зикрда ғарқ юриб, дилда Оллоҳни сақлаши

билан хотиржам юрмоғи керак. Нақшбандийлик тариқати аъзолари, тарафдорлари олдига қўйиладиган бу талабаларнинг тўрттаси, яъни «Хуш дар дам», «Назар дар кадам», «Сафар дар ватан», «Хилват дар ажуман» энг асосий шарт сифатида кенг тарқалган¹.

Баховуддин Нақшбанд 73 йиллик умри давомида Навоий таъбири билан айтганда кўплаб «авроқ муннаққаш этган» бўлсада унинг тўла илмий мероси бизга қадар сақланиб қолмаган. Аммо «Чаноқ қалъа» (1909 йил), «Бўхорои шариф» (1912 йил), «Шўро» (1914 йил) журнал ва газеталаридаги маълумотларга қараганда буюк мутафаккир тасаввуф назарияси ва амалиётига доир 13 та асар ёзган. Улар орасида «Хаётнома», «Далили ошиқон», «Одоб ал-соликин» («Муридлар одоби»), «Насихат ул-соликин» («Муридлар учун насихат») асарлари алоҳида аҳамиятга эга эканлиги уқтирилган. Лекин негадир Абдулаҳад Хўжаев ўзининг «Махдуми Аъзам ма-қоласида сўнгги икки асарни бу шайх китоблари сирасига киритган.

Х—ХІ асарларда айрим мутасаввуф машойихлар орифликдаги таркидунёчиликка, мистика — ўзлигидан воз кечиш сингари хатти-ҳаракатларга ўзгача назар билан қарашга, сўфизм назариясининг баъзи жиҳатларига ислоҳ киритишга интиладилар. Тасаввуфнинг машхур донишманди Абулҳасан Ҳаррақоний 3 ўғлининг бирини темирчиға, иккинчисини дурадгорға, учинчисини қуролсозға шогирд қилиб беради. Муридларидан бири «ахир фарзандларингиз ҳунар эгаллаш билан банд бўлса, комиллик йўлидаги фарз ва суннатларини ўз вақтида бажара олмайдилар-ку?» деб сўраганида «ошиқларни қўли ишда, қалби ёрда бўлмоғи лозим, улар текинхўрлик, таъмагирликка ўрганмасликлари керак» деб жавоб берган.

Баховуддин Нақшбанд ана шу фикрни бир таълимот даражасига кўтаришга, сўфизмни турмушга, инсон ҳаётига яқинлаштиришга муваффақ бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Баховуддин Нақшбанд — валий инсон, улуғ руҳоний мураббий, кўпдан-кўп покиза хислатли одамларни тарбиялаган, янги силсилани вужудга келтирган зот. Шунга қарамай, ниҳоятда камтарона ҳаёт кечирган, тақво, ҳалоллик, ҳақгўйлик, адолатпарварликда намуна бўлган. Ўзларига тегишли ерда дехқончилик қилиб, баъзан ота касб — кимхобга нақш солиб, луқмаи ҳалол билан рўзғор ўтказган.

Сўфизм таълимотида ислохотчи, янгилик яратувчи унвонига муяссар бўлган Нақшбанд ҳаёти ва ижодий мероси энди ҳар томонлама чуқур ўрганилмоқда, унинг асарларини топиш, тадқиқ этиш ва нашр қилиш шарқшунос ва файласуфларнинг галдаги вазифаларидан ҳисобланади.

1. Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 208 б.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998.
2. Каримов И.А. Юсак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Исоков Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Тошкент.,2007.
4. Насафий. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. – Тошкент., 1993.
5. Бобохонов Ш., Мансуров А. Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1993. – 128 б.
6. Бўриев О. Хожа Алоуддин Аттор. – Тошкент: Маънавият, 1994. – 23 б.
7. Бертельс Е. Э. Навои и Джамии. Избранные труды. – Т. 4. – Москва: Наука, 1965. – 498 с.
8. Жаҳон мулкининг нигоҳбони (Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўли, тариқатига оид тезис ва мақолалар). – Бухоро: Бухоро Давлат Университети ҳузуридаги “Маърифат” нашриёти, 1993. – ? б

9. Идрис Шох. Нақшбандий тариқати / Ўзбек тилига Ваҳоб Рўзиматов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1993. – 62 б.
10. Исломиий Ҳ. Ипор ҳид ила туғилган ориф (Хожа Баҳоуддин Нақшбанд). – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1995. – 39 б.
11. Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 208 б.
12. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 280 б.
13. Қутибоев З. “Дарёи раҳматиға ғарқ қилғай” (Хожа Аҳрор замондошлари нигоҳида). Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б.253-263.
14. Маънавият юлдузлари. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. – Б.204-208.
15. Султон И. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. – Тошкент: Фан, 1994. – 87 б.
16. Саидкулов Т. Марказий Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. Биринчи қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 160 б.
17. Бабаджанов Б. М. Ўсавия и Нақшбандия в Мавараннахре из истории взаимоотношений (середина XV-XVI в.) // Ясауи Тағылмы. – Туркистан: Мура, 1996. – С. 75-96.
18. Бўриев О. Нақшбандия тариқати тарихига оид янги манба // Шакшунослик, 1997. – № 8. – Б. 18-26.
19. Қутибоев З. Бу дунё яхшиликлар экинзоридир... // Мулоқот, 1999. – №5. – Б.55-56.
20. Қутибоев З. Маънавий қатрлар // Мулоқот, 1997. – №1. – Б.54.
21. Каттаев К. Аҳли тасаввуф ким? // Зарафшон, 1992 йил, 19-сентябрь.
22. Ўринбоев А. XV аср ёзишмаларида нақшбандия таълимотининг акс этиши // Шарқшунослик, 1994. – №5. – Б.35-41.
23. Девин Ди Уис. Маша их-и турки Хаджаган: переосмысление связей между суфийскими традициями Ўсавийа и Нақшбандия // Суфизм в Центральной Азии. Зарубежные исследования. Сб. статей памяти Ф. Майера. Составитель и отв. ред. А. А. Хисматуллин. — СПб.: Ун-т СПб., 2001. – С. 211-270.
24. Холмўминов Ж. Нақшбандия таълимотининг Эронда ўрганилиши. // Нақшбандия, 2013 - №1. – Б.8- 15.

НАСАФИЙ



Хазраї
Бахдоудик
Якубанг



БАҲОУДДИН НАҚШБАНД МАЖМУАСИ



БАҲОУДДИН НАҚШБАНДНИНГ
МАККА ШАХРИГА САФАРИ (МИНАТЮРА)



ИСТАНБУЛ ШАХРИДАГИ БАҲОУДДИН НАҚШБАНД МАЖМУАСИ



БАҲОУДДИН НАҚШБАННИНГ ҚАБР ТОШИ